



«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.

VATANPARVAR



КИТОБ – ТАФАККУР КАНОТИ



5-БОТАДА

ОФИЦЕРЛИК ОСТОНАСИДАГИ
МАҲОРАТ СИНОВИ



7-БОТАДА

САВОЛЛАРГА ЎРИН
ҚОЛМАДИ

● Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни инвестициялар ва ташки савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар мухокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳам иқтисодиёт учун осон бўлмаслигини, шу боис инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш учун ҳозирданоқ аниқ, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

1 январдан бошлаб, халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича янги тизим жорий этиш, ҳар бир лойиҳада белгиланган маблағларни самара ўзлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида «Лойиҳа офислари» раҳбар ва ходимлари малакасини ошириш ва уларни ўқитиши мухимлиги таъкидланди.

● Республика маҳсус комиссиясининг қарорига биноан, жорий йил 21 декабрь санасидан 2021 йил 10 январга қадар Буюк Британия, Италия, Германия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва Жанубий Африка Республикаси давлатлари билан халқаро авиарейслар (кириш, чиқиш ва транзит рейслар орқали республикага кириш) тўхтатилади.

Мазкур жорий этилаётган чекловлар ушбу давлатлардаги эпидемиологик вазият барқарорлашгани сари босқичма-босқич бекор қилиб борилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Мудофаа вазирлиги тизимиға оид сўнгги янгиликлар
билин қўйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz



t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

9

«ҚАЙТГАНИМДА
УЙДА БЎЛ...»

17

БИРИНЧИ ЎЗБЕК
ТОФ-ОТЛИҚ
ДИВИЗИЯСИ

18

ШЕРЮРАК
РАЗВЕДКАЧИ

21

ҮРТА АСРЛАРДАГИ
БАЪЗИ
ФАЙРИОДДИЙ
КАСБЛАР

2020 йил 25 Dekabry, №52 (2907)

АЙЁМ ШУКУХИ

“ Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ва хор жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

Ватан учун ҳар ким ўз вазифасидан келиб чиқиб хизмат қиласи. Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ва хор жамоаси ҳам ўзининг санъати билан юртдошларимизнинг ватанпарварлик туйғуларини юксалтириб, руҳлантириб, шижаотлантириб бу улуф ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

– Тадбир жуда ҳам кўтарики руҳда ўтди. Ўйлайманки, ташкил қилинган учрашувдан кўзланган мақсадга ортиғи билан эришилди. Бу каби тадбирларнинг кўнгилларни бирлаштириши, барчани ягона мақсад – юрт осоишишталиги ва ободлиги йўлида жисплаштиришга хизмат қилиши билан аҳамияти катта. Она юрт оҳанглари Ватан ҳимоячиларини бундан-да улкан мақсадлар сари ундашига шубҳа йўқ, – дейди подполковник Нурбек Отакўзиев.

Мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Курбонов томонидан дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Камолиддин Ўринбоевга миннатдорлик рамзи сифатида ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалар топширилди.



Муаллиф сурʼатга олган

«Ким Ватанга содик бўлса, мендирман ўша!» шиори остида ўтказилган ушбу тадбир элу юрт манфаати, она диёр осоишишталиги йўлида хизмат қилаётган ватандошларнинг дўстлашув кунига менгзалди. Ҳамиша юрт қайғусида яшайдиган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари юмушларини бирпас унудилар. Санъатга ошуфта кўнгилларнинг кўй-наволардан шижаоти, ғайрати янада ортди. Тадбир иштирокчилари хонанда ва созандалар тимсолида уларга суюнган элнинг нафасини яна бир бор ҳис қилдилар.

Абдулла Ўқтамқулов

ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

“ 2000 йил Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларидан юртимиз сарҳадларига суқилиб кирган бир гурӯҳ қуролланган террорчилар мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солишга уринади. Ватан саодати йўлида камарбаста ҳарбий хизматчилар ўз қасамёдига содик қолган ҳолда юрт ҳимоясига отланади. Каттақўрғонлик Улуғбек Барноев ҳам ана шу шараф йўғрилган сафда эди...

«ҲАРБИЙЛАРДА ОҚИБАТ БОР ЭКАН...»

Каттақўрғон гарнizonидаги сафарбарлик чақируви резерви батальони шахсий таркиби Улуғбек Барноев оиласидан мунтазам равишда хабар олиб туради. Ҳарбий қисмда улар иштирокида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда.

Бу гал ҳам қаҳрамон ҳарбий хизматчи хонадонига батальон командири подполковник Асқар Юсупов бошлигидаги бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилар ташриф буюриб, унинг оила аъзоларидан ҳол сўрашди. Мана шундай фарзандни вояга етказиб, унга тарбия берган Абдулла ота ва Сабоат онага яна бир бор раҳмат айтишиди.

– Ҳарбийларга кўзим тушди, дегунча ўғлимнинг кулиб турган чехраси кўз ўнгимда гавдаланади, – дейди Улуғбекнинг онаси Сабоат она. – Тақдир экан, Ватан ҳимояси йўлида жонини фидо этиб, номини мангуликка муҳрлаб кетди болажоним. Минг раҳмат, шаҳримиздаги ҳарбийлар бизни шу пайтгача бирор кун ёлғизлатиб қўймади. Биламан, уларнинг кўпчилиги ўғлимни ҳатто бир марта бўлса ҳам кўрмаган. Лекин ҳарбийларда оқибат бор экан. Бундай ғамхўрлик ва меҳрибончилик ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди.

Ширин ва шарафли дамлар ёдга олинди. Хонадон соҳибларига совғалар тақдим этилди.

Майор Учқун САЪДУЛЛАЕВ

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК****ЎЗАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА**

“ 2020 йил 22 декабрь куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шуҳрат Узаков Хитой Ҳалқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ҳузуридаги мудофаа масалалари бўйича Атташе аппарати вакиллари билан учрашди.

Томонлар икки давлат ҳарбий прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни янада ривожлантиришнинг келгусидаги истиқболларини мухокама қилдилар.

Хусусан, ишлаб чиқилаётган идораларро ҳамкорлик ҳақидаги меморандумнинг икки томонлама алоқаларнинг самарадорлигини оширишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши алоҳида қайд этилди.

Иштирокчилар мазкур мулоқотнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ривожланиши ва мустаҳкамланишида янги туртки бўлишини таъкидладилар.

Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**Адлия подполковниги Равшанжон ЖАЛИЛОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи**

«ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ»

“ 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ҳамда уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, фуқароларимизнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч экани, миллӣ армиямиз билан фахрланиш, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш борасида масъулият туйғусини чукур сингдириш ҳозирги замоннинг мухим талабларидан бири. Шу муносабат билан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойиши Эълон қилинди.

Фармойишда 2020 йилнинг 18 декабридан 2021 йилнинг 18 январига қадар юртимизда кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларни жалб қилган ҳолда «Ким Ватанга содик бўлса, мендирман ўша!» деган устувор ғоя асосида «Ватанпарварлик ойлиги»ни ўтказиш белгиланган. Миллӣ матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрамини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёнлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида иштирок этган мудофаа вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси полковник Баҳром Зулфиқоров, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳамда Миллӣ гвардия тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармалари бошликлари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

ЯНГИЧА ДАСТУР – ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Байрамни муносиб нишонлаш учун бир ой давомида юртимиздаги маданият ва истироҳат боғларида ҳарбий оркестрлар ҳамда бадиий-ҳаваскорлик жамоалари иштирокида «Армия – ёшлар нигоҳида» шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари, ноанъанавий «флешмоб»лар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва бошқа соҳа вакилларининг ота-оналари билан биргалиқда «Менинг фарзандим юрт ҳимоячиси» ва «Армиянинг илғори – маҳалламиз ифтихори» мавзуларида онлайн маънавий-маърифий тадбирлар, қўшинлар кўмондонлари раҳбарлигига ёшлар билан «Вилоятдаги тенгдошим» видеомулоқот учрашувларини ташкиллаштириш вазифаси кўйилган.

Кўриниб турибдики, Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга янгича ёндашилиб, янгича дастур ишлаб чиқилган. Мақсад, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқарога, ҳар бир оиласа Қуролли Кучларимизнинг ўрнини, аҳамиятини етказиш, буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс – бўлажак Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, мантиқий, ижодий ҳамда таҳлилий фикрлар доирасини кенгайтиришдан иборат. Булар она Ватан тақдирни учун юксак масъулият

ва жавобгарлик каби мухим хусусиятларни янада мустаҳкамлаш билан бирга ҳалқ ва армия яқдил эканлигини яна бир марта амалда исботлашга хизмат қиласди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар айнан шу масалалар бўйича тегишли идоралар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган вазифаларга батафсил тўхтадилар. Шуниси эътиборлики, Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш арафасида, 2021 йилнинг 10-18 январь кунлари талаба ва ўқувчи ёшлар учун Қуролли Кучлар давлат музейи ҳамда «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасига бепул ташрифлар ташкил этилиши ҳақида маълумот берилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳарбий журналистика факультети талabalari ҳам иштирок этишиди. Муҳокама қилинган мавзулар уларнинг келгусидаги касбий фаолияти учун мухим тажриба мактаби вазифасини ўташи аниқ. Негаки, тадбир якунида университетнинг биринчи ҳамда иккинчи курс талabalari полковник Баҳром Зулфиқоров иштирокидаги давра сухбатида бўлажак ҳарбий журналистлар қандай тамоийлларга амал қилишлари ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўлдилар.

Асрор РЎЗИБОЕВ

ОНЛАЙН-СЕМИНАР

“ Қуролли Кучлар академиясида «Хорижий тажрибани Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига татбиқ этиш» мавзусида онлайн илмий-амалий семинар ўтказилди.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Онлайн-семинарда Қуролли Кучлар академияси, Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти факультет ва кафедра бошликлари Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаби ҳарбий академияси «Давлат ҳарбий хавфсизлигига» курсида олган таҳсили натижалари билан таништирди.

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округлар оператив бошқармалариning масъул офицерлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этган семинарда «Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимида Россия Федерацияси Қуролли

Кучлари Бош штаби ҳарбий академиясининг ўрни ва асосий вазифалари (қиёсий таҳлил), «Россия Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штаби ҳарбий академияси махсус факультетида хорижий давлатлар ҳарбий хизматчиларини ўқитишини такомиллаштириш тажрибаси» мавзуларидаги маъruzalar йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Маъruzalar сўнгидага тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ПРОФЕССИОНАЛЛАР

МАШҚЛАРДА СИНАЛГАН МАҲОРАТ

“ Юртимиз бўйлаб «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида «Ватанпарварлик ойлиги» тадбирлари кенг миқёсда ўтказиб келинмоқда.

Ушбу тадбирларда иштирок этаётган ёшлар миллий армиямиз шону шавкати билан бирга, жанговар қудрати ва ҳарбий хизматчиликтарнинг юксак касбий маҳоратларидан ҳам воқиф бўлишмоқда.

Шарқий ҳарбий округга қарашли подполковник Мирсаид Шукуров командирлик қилаётган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари дала-ўқув майдонида инновацион амалий ўқотиш машғулотларини олиб боришиди.



Машғулотлар жараёнида ҳарбий хизматчилар групҳо ва ўқотар қуроллардан нишонларга отиш машқини турли усусларда ҳамда ҳар хил вазиятларда олиб боришиди. Бунда ҳар бир ҳарбий хизматчининг индивидуал тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бўлинма командирлари машғулотлар давомида шахсий таркибининг нишонларга ўқотиш бўйича тайёргарлиги ҳамда вазифасига масъулият билан ёндашишига қараб, уларни баҳолаб боришиди.

Машқлар мобайнида ҳарбий хизматчиларнинг техникаларда групҳо таркибида ҳаракатланиши ва қўйилган жанговар вазифани муваффақиятли бажариш бўйича кўнкимлари ҳам синовдан ўтказилди.

Машғулотларда фаол иштирок этган ва вазифани сифатли ҳамда вижданан бажарган ҳарбий хизматчилар машқлар якунида муносиб рағбатлантирилди.

**КБХХ, оддий аскар Аҳрор ДИЛМУРОДОВ,
Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати**

КУНДУЗИ ВА ТУНДА ҲАМ



“ Яқиндагина қад ростлаган ва қайта такомиллаштирилган «Нукус» дала-ўқув майдони бугун ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллик даражасини юксалтирадиган ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган ўқув марказига айланди. Артиллериячиларнинг навбатдаги амалий машғулоти дала-ўқув майдонининг имкониятларини яна бир бор намойиш этди.



Қисқа вақт ичидаги худудга етиб келган батарея асосий ўқотиш позицияларни эгаллади. Батарея командири эса нишонларгача бўлган масофани аниқлаш ва оптик кузатиш мосламаларига аниқликлар киритишни бошлади. Тўп ва бўлинмаларни жойлаштиришда ўқотишни бошқариш ва умумқўшин бўлинмалари билан ўзаро жанговар ҳамкорликни таъминлаб турishi масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув давомида умумқўшин бўлинмалари билан шартли душманни кундузи ва тунда ҳам қуршаб олиш ва йўқ қилиш бўйича ўқув-жан-

говар вазифалар бажарилди. Тунги вактда артиллерия батареяси томонидан қўлланилган ёритувчи снарядлар воситасида нишонлар жойлашган худуд ёритилиб, шартли душманнинг зирхли техникаси ва шахсий таркибига талафот етказилди.

Машғулот давомида қўйилган барча топшириклар бажарилиб, нишонлар якson этилди.

**Майор Тимур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий
ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи**

КҮНИКМА


ОФИЦЕРЛИК ОСТОНАСИДАГИ МАХОРАТ СИНОВИ

“ Курсантлик, талабалик йиллари айрим хато ва камчиликларнинг кечирилишига ёрдам беради. Чунки улар ҳали тўлақонли мутахассис сифатида шаклланди, дегани эмас. Шунинг учун бўлса керак, катта ҳаёт остонасидаги бўлажак офицерлар олий ҳарбий таълим муассасасида тажриба, билим ва кўникмаларини мукаммаллаштириш, мустаҳкамлаш ҳаракатида. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан. «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида Т-72 жанговар машинасида тўсиқлар оша ўтар экан, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳам маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказдилар.

Улар шунчаки шаҳар айлангандек полигоннинг бу бошидан нариги чеккасига бориб келишмади. Машғулот иштирокчilarини сувли тўсиқ, йўлакли кўприк, манёвр қилиш босқичи, қўргон, эскарп (двигателни ўчирмасдан ва орқага сирпанмасдан ўтилади), танкка қарши чуқур, портловчи мина тўсиғидан ўтиш йўлаги ва тепалик қарши олди. Муҳими, курсантлар барча тўсиқлардан муваффақиятли ўтдилар.

– Танк биатлонида бажариладиган барча тўсиқлар оша ўтишларни бажариб, амалий кўникмамизни оширганмиз. Фақат сувдан ўтишни биринчи марта синаб кўряпмиз. Агар бирор хато қилиб қўйсанг-у сув кириб кетса, мотор ишдан чиқади, снарядни кўтариш механизми ва эслаб қолиш қурилмаси носоз ҳолатга келади, ички ва ташки алоқа бўлмайди. Уларни тузатса бўлади. Аммо экипаж шахсий таркибига нисбатан йўқолган ишончни тиклаш осон эмас. Шунинг учун ҳар бир хатти-ҳаракатимизни диққат билан бажариб, белгиланган вазифани тўлақонли адо этишга бор куч-куvvатимизни сарфляяпмиз, – дейди курсант Икром Тўраев.

Офицерлик остонасида турган курсантларнинг катта ҳаёт бўсағасидаги ҳаяжонлари, ўй-хаёллари билан қизиқдик.



– Зиммамга жуда катта масъулият юкланаётганини, юксак ишонч билдирилаётганини ҳис қилиб турибман. Ана шу эътирофа муносиб бўлишга ҳаракат қиласман. Ҳарбий қисмда хизмат фаолиятимизни бошлаганимизда, бизга жанговар техникалар топширилади, уларни қабул қилиш сир-асрорларини ўзлаштирдим. Устоз офицерлардан 4 йил давомида шахсий таркиб билан ишлаш тажрибаларини ўргандим. Умумҳарбий низомлар ва қоидаларни пухта эгалладик. Яъни ҳарбий хизматга ҳар томонлама тарафдуд кўряпмиз. Муҳими, офицер юқори бошқара олиш хусусиятига эга бўлиши керак экан, – дейди курсант Элдор Ҳомидов.

Ҳа, ҳарбий либос кийиш – бир умрлик масъулиятга ўраниш билан баробар. Курсантлар ҳам кийимларни тешиб ўтгудек совуқ ҳавода жанговар техникада сув кечиб, барча тўсиқларни забт этишди. Лекин уларнинг юраги совқотиш ўрнига улуғ сафар – офицерлик фаолияти остонасида алангаланиб, лов-лов ёнарди.

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

ОЧЕРК

ЮРТ ҲИМОЯСИДАГИ ИНСОН

“ Бугун миллий армиямиз сафларида ўз касбининг чин фидойилари, етук мутахассисларини кўплаб учратиш мумкин. Замон билан ҳамнафас яшаётган шундай ҳарбий хизматчилардан бири Тошкент ҳарбий округига қарашли артиллериячилар ҳарбий қисми командири подполковник Акмал Ибрагимовдир.

20 йилдан бери Қуролли Кучларимиз сафда хизмат қилиб келаётган қаҳрамонимиз Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида таваллуд топган.

– Менинг ҳарбий хизматга кириб келишим, албатта, оиласвий муҳит билан боғлиқ. Бобом Иккинчи жаҳон уруши фаҳриси эдилар. Уларнинг орден ва медалларга бурканган ҳарбий либослари менга ўзгача таъсир қиласа эди, – дейди қаҳрамонимиз. – Уларни қизиқиб кияр эканман, гўё бошқа одамга айланиб қолишимни ич-ичимдан хис қиласдим. Ўша хис ва ҳавасга бир умр содик қолдим. Мақсадим йўлида олға одимлайвердим.

Рухи уйғоқ йигитча 2004 йилда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмандонлик-муҳандислик билим юртими тамомлаб, лейтенант унвонини олади. Ўша пайтдаги жўшқинлик, ҳарбий хизматга садоқат ёш офицерни том маънода тоблади. У юртимизнинг қай бурчагида хизмат қилмасин, барчасида билими ва зуқколиги, ҳарбий салоҳияти ва матонатини намоён эта олди. Ўша кезлари Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округда турли лавозимларда меҳнат қилган қаҳрамонимиз ҳаёт мактабининг мураккаб имтиҳонларидан бирма-бир ўтиб борди.

Доимий интилиш ва қизиқиш уни 2012 йилда Қуролли Кучлар академиясига етаклади. Ўқиши мувваффақиятли якунлагач, Чирчик шаҳридаги ҳарбий қисмда турли лавозимлардан ҳарбий қисм командиригача бўлган катта йўлни босиб ўтди.

Ўтган йиллар мобайнида подполковник Акмал Ибрагимов кўплаб тажрибали устозларидан фаолият сирларини чуқур ўзлаштириди, ўзи ҳам «Устоз-шогирд» анъаналарига мувофиқ, кўплаб ҳарбий хизматчиларга устозлик қилди. Хусусан, жорий йилда унинг раҳбарлигига бир нечта ҳарбий хизматчилар Қу-

ролли Кучлар академиясига ўқишига кирди, бошқалари эса мустақил тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Подполковник Акмал Ибрагимовнинг бошқарувчанлик салоҳияти, ҳарбий қисмда амалга оширган ислоҳотлари тезда ўз самарасини бера бошлади. Аввало, ҳарбий қисм замонавий қиёфага эга бўлди, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти кун сайин ўсиб борди. Бунинг яққол исботини шахсий таркибининг «АрМИ-2020» Халқаро армия ўйинлари, Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» мусобақаси ва турли танловларда эришилган ёрқин ғалабалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

– Мен 18 йилдан бери ушбу ҳарбий қисмнинг артиллерия бўлимида хизмат қилиб келаман, – дейди I даражали сержант Муҳаммаджон Туропов. – Халқаро армия ўйинларининг «Қуролсоз уста» ўйналишида иштирок этиб, фаҳрли ўринни қўлга киритдим. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Мен ғолиб!» шиори остида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» Умумармия ўйинларининг «Қуролсоз уста» ўйналишида биринчи ўринни қўлга киритдим. Бу ютуқларим замирида Мудофаа вазирлиги, округ ва ҳарбий қисм қўмандонлиги томонидан кўрсатилган ишонч ётади, деб биламан. Айниқса, устозим подполковник Акмал Ибрагимовнинг бу борадаги кўрсатмалари, машғулотлардаги қаттиққўллиги ва талабчанлиги барча ютуқларимда ўз аксини топди. Мен шундай фидойи инсонлар билан Ватан ҳимоясида бир сафда эканимдан фахрланаман.



Ҳарбий хизматчилар билан бўлиб ўтган ўзаро сұхбатларда амин бўлдикки, подполковник Акмал Ибрагимов ҳарбий қисм командири сифатида ҳарбий хизматчиларни эркин фикрлашга, ҳар қандай мақсад йўлидаги тўсиқларни ҳамжиҳатликда енгиг ўтишга ундаиди, керакли ўринларда намуна кўрсата олади.

– Асосий вазифам бўлинмаларнинг доимий жанговар шайлиги ва тайёргарлигини назорат қилиш, шахсий таркиби зарурӣ шарт-шароитларни яратиб бериш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдан иборатдир, – дейди у. – Аммо бунга осонликча эришиб бўлмайди. Ҳар бир ҳарбий хизматчи – бу бутун бошли жанговар техниканинг кичик бўлгаги. Уларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Биз ўтган йиллар мобайнида шахсий таркиб билан бир ёқадан бош чиқариб, кўплаб ютуқларга эришдик. Очиғи, ҳар бир ҳарбий хизматчининг ютуғини ўз ғалабам каби қабул қиласдан. Чунки биз кўйилган мақсадларимизга елкама-елка туриб, биргалиқда харакат қиласдим. Энг муҳими, эришган мувваффақиятларимиз ҳар биримизнинг касбимизга, меҳнатимизга бўлган муносабатларимизни мустаҳкамлаб бормоқда.

Кузатувларимиз давомида ҳарбий қисмдағи қайноқ ҳаётни бетиним чайқалиб турган дарёга менгзагимиз келди. Бу дарёда ҳеч бир кема тинч турмайди. Ҳамма ўз устида ишлайди ва бора-бора муносаби баҳосига эга бўлади. Тинимсиз меҳнат ва эришилган ютуқлар самараси ўлароқ, подполковник Акмал Ибрагимов жорий йилда мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари томонидан «Мардлик» ордени билан, мудофаа вазирининг III даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Ҳали жамоавий ғалабаларимиз, улкан марраларимиз олдинда, – дейди ҳарбий қисм командири фаҳр билан. – Биз ўз устимизда ҳали кўп ишлаймиз ва Қуролли Кучларимиз сафларини билимли ва ғайратли кадрлар, бир сўз билан айтганда, Ватан ҳимоячиларини етиштириб борамиз. Бу мақсад бизни доим бирлаштиради, куч беради.

Биз ҳарбий қисм фаолиятига омадлар тилаган ҳолда шердил ва фидойи инсонлар ҳаётини ёритишда давом этамиз!

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Vatanparvar»



ПРЕСС-ТУР

Одатда, бирор давлат ёки жамоат ташкилоти томонидан уюштириладиган пресс-турда журналистлар муайян фаолият бўйича оммани қизиқтирган долзарб саволларга жавоб олиш истагида бўлади. Мудофаа вазирлиги томонидан «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ташкил этилган пресс-турда ҳам ҳарбий мавзуни ёритувчи журналист ва блогерлар қатор саволларни тайёрлагани тайин. Аммо тадбир мезбонлари бунга заррача ўрин қолдирмади. Чунки...



САВОЛЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАДИ



Муаллиф сурʼатга олган

Дастлаб пресс-тур иштирокчилари Қуролли Кучлар академиясида яратилган шароит, мухит ва тартиб-таомиллар билан яқиндан танишиб, курсантлар билан ўтилаётган машғулотларни кузатди. Академия тарихи музеи, кутубхона, ошхона, ётоқхона, спорт майдончаси энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминлангани, умуман, курсантларнинг билим олиши учун барча шароит мухайё этилганига гувоҳ бўлдилар. Шундан сўнг иштирокчилар Чирчиқ гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмга бориб, кейинги йилларда вертолёт авиациясида қўлланилаётган учиш аппаратлари, уларнинг имкониятлари ва техник маълумотлари билан яқиндан танишдилар. Ҳатто, улардан бирида мовий осмон кенгликлари бўйлаб парвоз қилишга мусассар бўлдилар.

– Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армияни янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, – деди мудофаа вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси полковник Баҳром Зулфиқоров. – Айниска, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш,

стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савиаси етук офицер кадрлар ва қўмандонлик, шунингдек, сержантлар таркибини тайёрлаш жараёни янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий мухитни тубдан ўзгартириш имконини берди. «Ватанпарварлик ойлиги»ни ўтказишдан асосий мақсад юртимизда яшовчи ҳар бир фуқарога ва ҳар бир оиласга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўрни ва аҳамиятини етказиш ҳамда ҳалқ ва армия яқдил эканлигини амалда намоён этишга қаратилган.

Юртимиздаги оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир қаторда турли вазирлик ва идораларнинг ахборот хизмати ходимлари иштирок этган пресс-турнинг навбатдаги ва охирги манзили Мудофаа вазирлигининг «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази бўлди. Ушбу баҳаво маскан, қулаги инфратузилма, ўқув-моддий базада жанговар тайёргарлик машғулотлари учун аъло даражада яратилган ижтимоий-маишӣ шароитлар кўпчиликни ҳайратга солди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар иштирокида тоғда ҳаракатланиш, қояға кўтарилиш ва тушиш каби реал вазиятга яқинлаштирилган кўргазмали ўқув машқлари ҳамда тоғда ҳаракатланишда зарур бўладиган техникалар намойиши ташкил этилди.

Марказ меҳмонлари тоғли ҳудудда жанговар ўқотар қуроллардан нишонларга ўқ отиш, маҳсус тоғ тайёргарлиги симуляторида қуролдан отиш, қорда маҳсус анжомлар билан чанғида ҳаракатланиш, парапланда учиш ва қўниш завқини кўриш, туйиш баробарида унинг масъулиятини ҳам ҳис этди. Қолаверса, пурвикор тоғлар бағрида от спорти билан чиниқаётган чавандозлар тулпори жиловига «вақтингча эгалик» қилиб, бир дам сайр этди. Учқур от устидаги оний лаҳзалар суратга муҳрланди.

Пресс-тур сўнгидаги иштирокчилар юрт ҳимоячиларининг хизмат фаолияти ва яратилган шароитлари бўйича олинган таассуротлари ҳақида ўзаро фикр алмашиб, оммавий ахборот воситалари орқали «Ватанпарварлик ойлиги»да Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишиланган мақолалар, телелавҳа ва репортажларни тайёрлаш бўйича таклиф ва тавсияларини ўртага ташлади.

Ватан ҳимоячиларининг хизмат фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш, она Ватан тақдирни ва ҳимояси учун юксак масъулият ва жавобгарлик хисси билан фидойилик кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларнинг замонамиз қаҳрамонлари сифатидаги қиёфасини акс эттириш мақсадида ташкил этилган пресс-тур шу тариқа ниҳояланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

ЗАРОЖДЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ВОИНСКИХ РИТУАЛОВ

до эпохи правления Амира Темура

“ История традиций, обычаяев, обрядов, церемоний и ритуалов уходит своими корнями в глубь веков и оказывает огромное влияние на общество, в том числе и на военную службу. Территория Центральной Азии с давних времен была местом, где переплетались и развивались множество вышеуказанных факторов жизнедеятельности общества.

В VI веке до н.э. юг Центральной Азии был завоеван царем Киром II, основателем персидской державы Ахеменидов. На протяжении двухсот лет данная территория входила в состав Ахеменидской империи и была разделена на три сатрапии – Бактрия, Согд, Хорезм, которые были первыми древнейшими государствами.

По традиции и ритуалам во время боя персидские полководцы руководили армией, находясь в центре войска. Каждый отряд имел боевое знамя, с каким-либо изображением. Основное знамя персидской армии было украшено изображением золотого орла, символом рода Ахеменидов. Это может являться свидетельством того, что уже с древних времен особое значение придавалось вопросу поднятия морально-боевого духа воинов посредством боевых знамен.

Еще одним из воинских ритуалов было проведение смотров. Царь каждый год проводил смотры войска, а следить за состоянием войск в провинциях он поручал сатрапам. Смотры проводились, чтобы армия была в постоянной боевой готовности и с целью повышения боевого духа. Если войска находились в должном состоянии, царь награждал их, если нет – жестоко карал.

В персидской армии также активно практиковалось проведение парадов. Парады демонстрируют военную мощь страны, заставляя потенциального противника содрогнуться в ужасе.

Кроме того, персы важное значение придавали вопросам принятия присяги. Персы назначали командующих тысяч и десятков тысяч, которые клялись на верность царю непосредственно перед ним, а те в свою очередь командиров десятков и сотен.

Религия также находило свое отражение на деятельности персидской армии. Зороастризм стал госу-

дарственной религией трёх империй – Ахеменидов, Персов и Сасанидов, а его исповедование распространялось почти тринадцать веков с IV века до н.э. до VII века н.э. и господствовал на Ближнем Востоке.

Важное значение имели торжественные церемонии и праздники, связанные с временами года, празднование Навруза (Нового года), шести гаханбаров, культ предков, почитание священного напитка хаомы, различные молитвы, обряды очищения, приобщения подростов к зороастрийской вере (надевание священного пояса «кушти»). Ритуал на подобии данной традиции со священным поясом также осуществлялся в армии, когда принимали в строй новобранца.

В III-IV веках до н.э. Центральную Азию завоевывают македонцы во главе с Александром Македонским, военные реформы которого были одним из важных направлений его политики.

В армии Македонского в большей степени уделялось внимание обряду воинского посвящения новобранцев, проведению пафосных парадов и жертвоприношению в честь различных богов перед походами и боевыми действиями.

После взятия города Тир Александр устроил жертвоприношение Гераклу, затем перед царем торжественным маршем прошла македонская армия в полном вооружении. В параде принял участие и флот.

Раз в год в Македонии проходил также общевойсковой смотр, приуроченный к религиозному празднику. Само действие напоминало некий обряд очищения: «голову разрубленной надвое собаки вместе с передней частью туловища кладут по правую сторону дороги, а заднюю часть с внутренностями – по левую. Между половинами жертвенного животного проводят вооруженное войско». Кроме того, военные традиции Македонии подразумевали обязательное присутствие на поле боя царя, с тем чтобы укрепить волю солдат к победе.

В VII-VIII веках в Центральную Азию врывается многотысячная армия арабского халифата. Их главной целью было – распространение религии – Ислам, а также увеличение своих земель.

Большое внимание арабы уделяли воспитанию боевых качеств воина также посредством охоты, которую они рассматривали в качестве традиций и ритуалов.

В качестве древнего зародыша одного из современных воинских ритуалов по организации подъема и отбоя по сигналу можно отметить следующее. В ходе своих походов арабское войско делали привалы по сигналу трубы и по сигналу же отправлялись снова в путь.

Монгольская армия XIII века вне сомнения являлась наилучшей военной организацией мира в этот



период. Исторически монгольская армия и военное искусство следовали древним традициям военного дела степных кочевников. При Чингизхане монголы довели древние стереотипы до совершенства.

Служба в войсках и обязанности начальников регулировались на основании твердого военного законодательства. В войсках установлена строжайшая дисциплина. Должностные лица и начальники, нарушающие долг службы или не являющиеся по требованию хана, подлежат смерти.

Глава каждого подразделения получал нагрудный знак своего ранга. Чингизхан награждал некоторых из своих ближайших сподвижников правом носить колчан, лук и стрелы.

Следует привести несколько изречений из Билика, заключающих в себе все наставления, данные Чингизханом военным начальникам:

– всякий, кто может вести верно дом свой, может вести и владение; всякий, кто может устроить десять человек согласно условию, дать тому тысячу;

– ко времени начала похода каждый воин получает оружие из рук начальника, которому он подчинен. Он обязан содержать его в исправности и перед сражением предъявлять на смотр своему начальнику;

– если кто-нибудь в битве, нападая или отступая, обронит свой выюк, лук или что-нибудь из багажа, находящийся сзади его должен сойти с коня и возвратить владельцу упавшее; если он не сойдет с коня и не возвратит упавшее, то предается смерти;

– он предписал солдат наказывать за небрежность, охотников, упустивших зверей в облаве, подвергать наказанию палками, иногда и смертной казни;

– все воеводы обязаны делать лично осмотр войску и вооружению до выступления в поход, представлять им все, с чем воин совершает походы, и осматривать все до иголки и нитки. Если у воина не оказалось какой-либо нужной вещи, начальник должен наказать его;

– должностные лица и начальники, нарушающие долг службы или не являющиеся по требованию хана, подлежат смерти.

Таким образом, анализ исторических аспектов формирования на территории Центральной Азии воинских ритуалов может свидетельствовать, что они являются в определенной степени воплощением всех традиций, обычаяев, быта и религии различных народностей, обществ и государств, которые издревле проживали в данном регионе.

Безусловно, воинские ритуалы играли огромную роль в морально-боевом и психологическом состоянии каждого воина и войск в целом, способствуя тем самым достигать поставленных перед ними задач, реализовывать различного рода цели по завоеванию новых территорий или защите своих земель.

Шухратжон ШАКИРОВ,
Специализированный филиал ТГЮУ



КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«ҚАЙТГАНИМДА УЙДА БЎЛ...»



Китоб дўконида Элчин Сафарлининг китоблари она тилимизда ҳам, рус тилида ҳам мавжудлиги мени ҳайрон қолдирди. Қанақа адаб экан? Китоблари кўп ўқилади, шекилли. Олсамми, олмасамми? Муқоваси... унчалик эмас, ўзига тортмайди. Жўн бир севги тарихи бўлса керак. Нархи ҳам қиммат экан. «Арzonнинг шўрваси татимас, қиммат ҳикматсиз бўлмас». Варақлаб кўрай-чи...

«Бизнинг барчамиз ким-қачонлардир шўртоб сувликдан ёруғ дунёга қадам қўйганимиз, зоро, денгиз ҳаётнинг бешиги хисобланади.

Энди бизлар усиз яшай олмаймиз. Фақат, энди тузни алоҳида тановул қиласиз ва чучук сувни ҳам алоҳида ичамиз. Бизнинг лимфа тугунларимиз худди денгиз сувникидек тузли таркибга эга. Биз денгиздан ким-қачонлардир ажralиб кетган бўлсан-да, у ҳамон ҳар биримизнинг вужудимизда яшайди.

Энг қакроқ сахронинг ичкарисида яшайдиган одам ҳам ўзи сезмаган ҳолда қонида денгизни олиби юради.

Балки, шунданми, одамлар денгизнинг бетиним мавжуларини кўргиси, уларнинг абадий ғалаёнини эшигиси келаверади.

Бу товуш том маънода уларнинг кўхна ватани садоси, қоннинг чорловидир.

Виктор Конецкий»

Жуда таниш туфу. Умримда Амударёдан бошқа катта дарёни кўрмаганман, Сирдарёning тўлиб оққанини ҳеч кўрмадим, болалигим ўтган гушаларда кўклам чоғи лойланиб оқкан дарёларни кўрдим, оппоқ сувли сойларни ҳам кўрганман. Аммо ҳали денгизни бир марта ҳам кўрмадим. Жуда кўргим келади, аслида сувнинг қаттироқ шовуллаши юрагимга ваҳима солади, бироқ бу мени денгизни бир марта бўлса ҳам кўриш истагидан қайтара олмайди. Бир кўрсам эди...

Бир марта гина бўлса ҳам кўрсам эди..

Чалғияпман, озарбайжон адаби Элчин Сафарлининг «Қайтганимда уйда бўл... ёхуд баҳт ва айрилик битигими тақдирнинг?» китоби ҳақида гапираётгандим.

Бу китоб... Мени жуда мутаассир этди. Нимадан бошлашни билмаяпман. Айтмоқчи бўлган гапларим шу қадар кўп...

Софинч, о, софинч... Сиз унинг нималигини биласизми?!

...Ўн икки ёшларда эдим. Қўшни аёлнинг дадамга айтиётган гапларини эшишиб қолдим. «Айнан Мұхабbatхоннинг ўзи-я, Янгийўл бозорида юзма-юз келиб қолсан денг...» Тамом. Бошқа сўзлар қулогимга кирмади. Демак, ойим тирик. Янгийўл деган шаҳарда экан. Бу шаҳар Тошкентдан узоқ эмас. Эртаси куни эрталаб сумкамни олиб мактабга эмас, вокзалдан автобусга ўтириб, Янгийўл шаҳрига кетдим. Кечгача шаҳарда тентидим, ойимни излаб... Тополмадим. Эзилиб, ҳориб уйга қайтдим. Яна бир неча марта бордим Янгийўлга. Зора, мени кўриб қолса, Мукамбархон дея ажабланиб, ортимдан чақирса, севинчдан чопиб борсам, чопиблар борсам... Вафот этганига кўнига олмасдим. Соғинардим... Қаттиқ соғинардим...

Бу хаммага дардини дастурхон қиласвермайдиган, сиртдан бегам, беташвиш кўринадиган улкан қалбли ҳамкасбим Мукамбар опанинг ҳикояси.

Яна қалғидим. Мен Элчин Сафарлининг «Қайтганимда уйда бўл...» китоби ҳақида гапираётгандим.

Бу китоб... Ота-қиз муҳаббати, яъни МЕХР



мадим. У эса бир қарашдаёқ ҳаммасини тушунди. Ҳеч сўз демай, бағрига босди. Айни шу лаҳзада чап кўксидан отилиб чиқсан ингроқ... Охх-хх... бу ингроқ юрагимни ўтдек кўйиди, йиллар ўтса-да жаранг қулоқларимдан кетмайди, айбордлик хисидан эзиламан, нега авайламадим, нега зада юрак билан унга интилдим? Бахтли дамлар ҳам бўлган эди-ку? Нега ўша пайтларда отам ёдимга тушмади... Ўў-ўў, у мени қанчалар севарди...

Чалғиб кетдим. Мен Элчин Сафарлининг

Ўзгалар фикридан чўчиманг. Таваккал қилинг-да, кўнглингиз истаган ишни қилинг. Хато қилиш – ҳаммамизга хос.

Пауло Коэльонинг «Алиф» асаридан.

«Қайтганимда уйда бўл...» китоби ҳақида гапираётгандим.

Бу китоб... Унда Абадий қиши шахри бор. Бу шаҳар айрилиқнинг, ҳижроннинг номи бўлса керак... Кeling, бу китоб, бу асар ҳақида гаплашмайлик. Ундаги туфусларни гапириб англатиб бўлмайди. Кўпдан бундай асарни ўқимаган эдим. Мутолаадан боз кўттарганимда, қалбимда кўклам ёмиридан сўнг порлаган офтоб тафтини, ёрқин нурларни хис қилдим. Ёмғир шундай тозартувчида!

Ортиқ сўз айтмоқчи эмасман. Асардан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этаман.

«Қоронғи тунлар ва уммоннинг қоп-қора сувини ёқтирамайман, Досту, улар сенга бўлган соғинчими кучайтириб юборади».

* * *

«Қўшлар, биз одамларга туулганидек, мутлақо эркин ва озод. Улар бизга ўхшаб дардларини эслатадиган жойларга боролмай ўтиришмайди...»

* * *

«Одамларга жуда кўп нарсалар шунчаки текин берилади. Улар эса ҳақиқий гўззаликни қадрлаш ўрнига унинг қиймати ва тўлови устида бош қо-

тиради. Умр дея аталмиш неъмат ўтиб бораётган лаҳзадан лаззатланиш ўрнига қора кунларига йигинади...

Сени соғиндим!»

* * *

«Досту қизим, ўтмиш ва келажак бугундан кўра аҳамиятлироқ эмас. Бу дунё сўйиларнинг маросим рақси ҳисобланган семага монанд: бир кўл кафти билан дуо талабида осмонга қараган бўлса, бошқаси олганини баҳам кўриш учун ерга караган ҳолда.

Ҳамма гапираётганида сукут сақла. Сўзларинг севги ҳақида жарангласса ҳам, жарангига кўзёшлигин ҳамроҳлик қўлса ҳам гапир! Ёнингдагиларни кечира олиши ўрган, шунда ўзинг ҳам кечирилишига мусасар бўласан. Шошқалоқлик қилма, аммо қайиғинг қаёққа сузаётганини ҳам эсдан чиқарма. Балки, у йўлидан адашгандир?

Софинч билан...»

* * *

«Менинг умидсизлигим нима ҳақида? Улар кўп ва турлича. Ота-онамни тортиб олган уруш ала-мимни келтиради. Беғубор ва беайб гўдакларнинг ўлими ва очликка гирифторлиги-чи? Бир лаҳзада катта бўлиб қолган болалар. Келажагида факат ўтмиш соясига дуч келган ўспиринлар. Ўзи учун эмас, уни кутаётгандар учун жонини асраб, жанг қилган каттадар...

Оила деб атальмиш қўргоннинг не-не иморатлари ёнди. Ўйларга қўшилиб ёниб кетган китобларни айтмай кўяқолай. Китоб эмас, адабиёт, тарих ёнди. Эх, ўз ҳатоларидан хулоса чиқара олмаган инсоният... Уз тафтини бошқалар билан баҳам кўришни бас қилганча ўзларини танҳоликка банди этган одамлар ҳақида ўйлайман. Урушнинг асрлар давомида тикланмас асоратлари ҳақида...»

* * *

«Одамлар ер юзига бир мақсад – севишни ўрганиш, меҳни хис этиш учун келишади. Итлар буни туғилганлариданоқ билишади, шунинг учун камроқ яшайдилар».

* * *

«Юрак товушимнинг жарангидан сенинг исминг бор...

Даданг».

* * *

«Бир куни шундай одамни учратасанки, унинг кўзларидан сенга тақдир қараб туради...»

* * *

«Мен осмоннинг оппоқ кезувчилари бўлмиш булулгарга ошиқ бўлиб қолганимда олти ёшларда эдим: мактабга кетаётib, қуёш нури бир ўюм булул хирмони орасидан ёриб ўтаётганини кўриб қолдим. Булул хирмони менга гоз пати тўлдирилган момиқ ёстиқни эслатарди.

«Булултарнинг устида ётса ҳам бўларкан...»

* * *

«Одам тўқис муҳаббатни бера олмайди. Шунинг учун ҳам у одам. Бу бизнинг тана кувватимиздан ўзга нарса, руҳиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Мен қўлимдан келганича сева оламан. Ўзим олишини хоҳлаган нарсани бера оламан!»

* * *

«Досту, иккинчи ҳафтадирки, қор ёғяпти. Бешовқин, тўхтовсиз. Худди тўхтамайдиган оқ марсиядек».

* * *

«У қизининг бу дунёда йўқлигига ишонмасди. Унинг юраги бошқа бирорни қизи билан адаштириб қўйганида тўхтаб қолган...»

* * *

«Ганс ва Досту ҳозир биргалигини ўйлаганимда тинчланаман. Энди уларнинг орасида масофа йўқ. Соғинишлар, оғриқлар, вақтнинг ер қонунлари йўқ. Улар биргаликда мен билан ёнма-ён. Улар соҳил бўйлаб кўзга кўринмас тарзда ёнимда боришимоқда. Уларни фақат қалб билангина кўриш мумкин».

* * *

Инобат ИБРОХИМОВА,
«Vatanparvar»

АНЖУМАН

«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»



КУРСАНТЛАР САРКАРДАЛАР СИЙМОСИДА

“ Қуролли Кучлар академиясида «Мен Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби буюк саркардалар авлодиман!» мавзусида илмий-маърифий конференция ўтказилди.

Унда Қуролли Кучлар академияси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат узбек тили ва адабиёти университети профессор-ўқитувчиларининг маъruzalari ҳам тингланди. Уларнинг аксарияти кўпчиликка маълум бўлмаган қизиқарли воқеа ва маълумотлар билан бойитилганди. Буюк саркардалар ҳақида янги маълумотга эга бўлган курсантлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам тарихчи олимлардан батафсил жавоб олдилар.

Тадбир сўнгидаги Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларининг тарихий либослар кийиб, саҳнада улуғ бобокалонларимиз сиймосини яратгани кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Бу уларнинг қонида жўш ураётган аждодлар шижоатидан дарак берарди. Видеомулоқот тарзида ўтказилган ушбу тадбирда бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари ҳам буюк саркардаларга нақадар муносиб эканликларини онлайн намойиш қилдилар.



Муаллиф сурʼатга олган

Хусниябону ЖЎРАЕВА

ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

ЁШЛАР УЧУН МАЗМУНИ КУН

“ Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида республикамиз бўйлаб ватанпарварлик руҳидаги учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтмоқда.



Каттақўғон гарнizonida жойлашган ҳарбий қисм ўқувчи ёшларни ҳамиша ўз бағрига чорлаб келади. Бу ташрифлар, албатта, бежиз кетмайди. Чунки мазкур даргоҳга келган ҳар бир ёш авлод қалбida она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат тўйғулари яна бир бор бўй кўрсатади.

Ҳарбий қисмда «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида шаҳардаги мактаб ўқувчилари учун очиқ эшиклар куни ташкил этилди.

Дастлаб саф майдонида давлатимиз мадҳияси жўрлигига мамлакатимиз ва Мудо-фаа вазирлигининг байроқлари кўтарилиди. Шундан сўнг ҳарбий қисм ва таълим даргоҳлари вакиллари бу каби тадбирларнинг ёшлар тарбияси ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиботидаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Ўқув нуқталарида ўқувчилар, шунингдек, сафарбарлик ҷақириви резерв батальони оддий аскарлари учун ташкил этилган ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси уларда улкан таассурот қолдирди. Унда ёшлар Ватан ҳимоячиларининг шарафли касби, мashaққати ва масъулиятини юракдан туйгани рост.

Юзаки қаралса, юртимиз бўйлаб ташкил этилаётган очиқ эшиклар куни доирасида бўлиб ўтаяётган кўргазмаларда бир хиллик

кўзга ташланиши мумкин. Лекин мазмун-мундарижасига кўра буларнинг бари бир-бираидан буткул фарқ қилади. Мисол учун, бу галги қурол-аслаҳалар кўргазмасида ҳарбий хизматчилар ўқувчи-ёшларга уларнинг ишлатилиш тартиби ҳақида содда ва дастлабки тушунчалар берди. Бу ҳақда Каттақўғон шаҳар касб-хунар мактаби ўқувчиси Бобуржон Нарзуллаев шундай дейди:

– Киноларда кўрамиз: рақиб иккинчи томонга қурол ўқталиб турганида ҳимоялангаётган рақиб унинг қўлидаги пистолетни маҳорат билан олиб кўяди. Бундай бўлиши мумкин эмас-э, деб ўйлардим ўшанда. Лекин бугун ҳарбий акаларимиз бунинг имкони борлигини кўрсатиб беришди. Вақти келса, оддий «лопата» ҳам талафот етказувчи қуролга айланар экан. Қойил!

Ўқувчилар, шунингдек, артиллерия бригадасининг тарихий музейида ҳам бўлиб, у ердаги экспонатларни кўздан кечириди. Кўп сонли китоб фондига эга бўлган ҳарбий қисм кутубхонаси ҳам ёшларга манзур бўлди. Айниқса, ётоқхоналарда яратилган шарт-шароит меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, кун ёшлар учун мазмунли ўтди.

**Лейтенант Исломжон Қўчқоров,
«Vatanparvar»**

САЁХАТ

“ Пойтахтимизда барпо этилган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» музейи ҳалқимизнинг севимли гўшаларидан бирига айланиб ултурган. Бу ерга қадам ранжида қилганлар аввало тарих билан юзлашади, тинчлик қадри, ҳурлик бағридаги фаровон ҳаёт қай даражада қадрли ва улуғ эканлигини ҳис қилишади.

ЎҚУВЧИЛАР «ШОН-ШАРАФ» МУЗЕЙИДА

Мирзо Улуғбек туманидаги 205 ҳамда 64-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам мана шу қутлуғ гўшаларга ташриф буюришди. Қуролли Кучлар академияси ташаббуси билан амалга оширилган бу ўзига хос экспурсия ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Улар Иккинчи жаҳон уруши давридаги суронли йиллар, фронт ва фронт ортида ҳалқимиз кўрсатган мислсиз жасорат ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишиди.

Зулфия ЮНУСОВА



Бахром АБДУРАҲИМОВ

МАЪРИФАТ

«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»

“ Юнусобод туманидаги 220-умумтаълим мактабида Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ташаббуси билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида «Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш – мактабдан бошланади!» мавзусида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси масъул офицерлари, Юнусобод тумани фаҳрийлар кенгаси раиси Нуриддин Бўриев иштирок этди. Сўзга чиқсанлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича вазирлик ҳарбий хизматчилари томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, ўқувчи ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бериши.



Тадбирда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси ўзининг байрамона концерт дастурини намойиш этди.

**Подполковник
Сардорбек АБДУСАМАТОВ,
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
катта офицери**

ЭКСКУРСИЯ

Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли Чирчик гарнizonida жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби томонидан «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни»да «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида «Маънавият кунидан, маънавият ўчогида» мавзусида шахсий таркиб билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида экскурсия ўюштирилди.

ЗИЁ МАСКАНИДА

Экскурсия давомида кутубхона ходимлари томонидан ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон миллий кутубхонасининг яратилиш тарихи ва ҳозирги кундаги фаолияти, шунингдек, ундаги нодир китоблар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар етказилди.

Ташриф давомида ҳарбий хизматчилар Миллий кутубхонанинг маълумотлар базаси, кўргазмалар зали, китоб музейи, «Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Адолат», «Электрон каталоглар», «Тафаккур», «Ижод», «Кашфиёт», «Жаҳон», «Илм» ва бошқа заллар билан танишдилар. Таништирув давомида кутубхона ходими томонидан ҳар бир залнинг ўзига хос жиҳатлари, уларда сақлананётган китобларни қадр-қимматининг инсон камолотида тутган ўрни каби маълумотлар тақдим қилинди.

**Майор
Улуғбек ПАНЖИЕВ**

**«МЕҲР ҚОЛУР...»**

БУ ОДДИЙ ҚУВОНЧ ЭМАС

“ Яқинда Республика маҳсус комиссиясининг қарори билан вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларга турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди. Тежаб қолинган маблағларни эса таълим, соғлиқни сақлаш, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилган эди.

Каттақўрғон шаҳридаги 5-ёрдамчи маҳсус мактаб интернатида 186 нафар тарбияланувчи бор. Уларнинг бари меҳрга, эътиборга ташна. Каттақўрғон гарнizonida жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби мазкур интернат тарбияланувчилари ҳолидан мунтазам равища хабар олиб туради.

Бу галги ташриф ҳам болажонлар ва мактаб жамоасига катта қувонч бера олди. Ҳарбий қисм командири подполковник Фирдавс Умаров бошчилигидаги Ватан ҳимоячилари улар учун ажойиб дастур ўюштириши. Ҳарбий қисм оркестр жамоаси томонидан ижро



етилган куй ва қўшиқларга йигилганлар рақсга тушиб кетди. Ўқувчилар ҳам ҳарбий хизматчиларга ўзларининг шеър ва қўшиқларидан айтиб беришли. Интернат тарбияла-нувчилари учун аталган байрам совғалари мурғак қалбларга қувонч бера олди.

– Шаҳримиздаги ҳарбийлар мактаб интернатимизга кеча ё бугун келиб тургани йўқ. Уларнинг «бир оёғи шу ерда», – дейди муассаса директори Шухрат Мухиддинов. – Тағин ҳар сафар совға-саломлар, мактабимизга керак бўладиган турли хил буюмлар билан кириб келишади. Болажонларимиз ҳам ҳарбийларимизни кўриб, кўзлари қувнаб кетади.

Ҳа, муқаддас она Ватан ҳимояси йўлида камарбаста ҳарбийлар нафақат ўз хизмат вазифаларини бажармоқда, балки ватандошлари-

миз кўнглига ҳам мана шундай қувонч бера оляпти. Бу оддий ёки ҳар куни ҳам учратиш мумкин бўлмаган қувонч...

И. НУРАЛИЕВ



БОЛАЛАР УЛАРГА АЙТИЛАДИГАН ГАПДАН ҚЎРА, БИРОВГА АЙТИЛАЁТГАН ГАПЛАРГА ЭЪТИБОРИРОҚ БЎЛАДИ. Элеонора Рузвельт

СЕМИНАР

БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ

“Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлар томонидан семинар машғулоти ўтказилди.



Ином Термизий халкаро илмий-тадқиқот марказида «Буюк аждодлар меросини ўрганиш соати» ҳамда «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилган семинарда «Ином Термизий ҳаёти, ижоди, фаолияти ва дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси» мавзусида марказ директори, фалсафа фанлари доктори Шукур Умаров ва манбашунос олим Жўрабек Чутматовларнинг маънавузлари тингланди.

Тадбирда иштирок этган ўқувчи ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишиди.

Майор Матёқуб НАЗАРОВ

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

“Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Самарқанд вилояти кенгashi тасарруфидаги Нуробод тумани ўқув-спорт техника клуби томонидан тумандаги 1-сонли касб-ҳунар мактабида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Туман мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ҳарбий хизматчилар ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

– «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларнинг қалбида она Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Ҳошимжон Қобулов. – Бу эса, ўз навбатида ёшлар камолотида алоҳида ўринга эга.

Таъкидлаш жоизки, Нуробод тумани ўқув-спорт техника клубида касб мутахассисларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўз поёнига етаётган 2020 йилда «В», «ВС» тоифали хайдовчилар тайёрлаш режаси бажарилди. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш секциясида фаолият юритаётган ёшлар турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Ана шундай муваффақиятларда туман ЎСТК жамоасининг замон талаблariiga мос фаолияти, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, эзгу иш ҳамда ташабbuslariga бош-қош бўлаётган клуб раҳбариятининг хизматлари алоҳида ўрин тутади.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ


«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БўЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!»



ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК

“Хаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қарашли Чирчик гарнizonida жойлашган ҳарбий қисмлар шахсий таркиби «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида Бўстонлиқ туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан «Ватанпарварлик – мактабдан бошланади» мавзусида давра сухбати ўтказишиди.

КИЧИК КОМАНДИР МАКТАБ МЕҲМОНИ



Ушбу мактабнинг собик ўқувчиси, ҳозирда юрт олдидағи йигитлик бурчими шараф билан ўтаб келаётган кичик сержант Зафар Тулаковга жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда эришган ютуқлари учун устозлари иштирокида Мудофаа вазирининг III даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишони тантанали равишда топширилди.

Бу каби тадбирлар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчи бўлиш нечоғли шарафли касб эканлигини англаб етишга катта замин яратади.

Ўз мухбириимиз

ТОНГГИ ШОДИЁНА

“Қуролли Кучлар академияси офицер ва сержантлари, курсантлар бу гал 5 минг қадам пиёда юриш ташабbusи билан чиқдилар. Улар тонгги 6:00 да ҳарбий оркестр садолари остида байроқларимизни ҳилпиратиб юришни бошлашди. Бу пайтда кўпчилик ширин туш кўраётган палла бўлса, ажаб эмас.



Шу кунларда энг узун тунларни ўтказяпмиз. Бирпасда коронғу тушиб, тонг ёришишигача кетадиган фурсатдан унумли фойдаланадиганлар ҳам бисёр, албатта. Шулар қаторида пойтакт кўчаларини тўлдириб кетаётган академия шахсий таркибига кўзи тушган ҳар қандай одамнинг кўнгли ёришиши шубҳасиз. Чунки улар ушбу марафонни катта бир шодиёнадек ўтказдилар.

– Пиёда юрган одам соғлом бўлади, бу кайфиятнинг кўтарилишига ҳам ёрдам беради. Таълим муассасамизда илм ўрганиш, жанговар ва жисмоний тайёргарликни биргаликда олиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳамжихатликда уюштирилган ушбу марафон бизга куч-қувват бағишилади. Барчанинг бирдек қадам ташлаши, мақсадларимизнинг муштараклигидан дарак берарди, – дейди курсант Азизбек Исомиддинов.

А. ҲОТАМОВ



Муаллиф сурʼатга олган

ВАТАНПАРВАРЛИК СОАТИ

ХАЛҚ БИЛАН БЎЛ, ХАЛҚ ИЧИНДА БЎЛ!

“ Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмларидан бирининг тарғибот гурухи томонидан Юнусобод туманидаги 53-умумтаълим мактабида «Армия ва ёшлар» мавзусида ватанпарварлик соати ўтказилди.

Машғулот давомида жанговар хизмат фаолиятида кўплаб муваффақиятларга эришган намунали ҳарбий хизматчилар томонидан ўқувчи ёшларга ҳарбий хизмат нуфузи, бугунги кунда миллӣ армиямида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юрт ҳимоячилари учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек, болажонларга қўмондонлик ҳаётидан ҳикоя қилувчи видеолавҳалар ҳам намойиш этилди.

Қўмондонликнинг Тошкент вилояти Нурабод кўргонида жойлашган ҳарбий қисми тарғибот гурухи вакиллари эса Оҳангарон тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини Янгиовул кўчаси, 11-йуда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Бекмирза ота Абдусаломовнинг ҳолидан хабар олдилар. «Сиз миллат ғурури, фахру ифтихори!» шиори остида амалга оширилган мазкур ташрифда отахонга бирламчи озиқ-овқат махсулотлари етказиб берилиб, хонаонда ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилди.

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА**

«Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остидаги ватанпарварлик ойлиги тадбирлари Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманида жойлашган ҳарбий қисмларидан бирине томонидан кенг миёсда барча аҳоли қатламларини қамраб олган ҳолда ўтказилмоқда.

Хусусан, «Ҳарбий

қисмдаги бир куним!» мавзусида 25 нафар уюшмаган ёшларнинг ҳарбий қисмга ташрифи уюштирилди. Дастреб юрт ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароит ва қулайликларга гувоҳ бўлган ёшлар ҳарбийларнинг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлиари ва ўқув-моддий базаси билан танишдилар. Маънавий-маърифий тайёргарлик хонасида ўтказилган сұхбат давомида эса ёшларнинг кун давомида олган таассуротлари тингланди.

Қоракўллик ҳарбийлар томонидан ҳам тумандаги академик лицей, ҳалқаро математика мактаби ҳамда 1- ва 8-умумтаълим мактабларида «Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тайёрлаш – мактабдан бошланади» мавзусида учрашувлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби кенг камрови тадбирлар ҳам жисмонан, ҳам маънан барқамол авлодин тарбиялашга, улар қалбида юртпарварлик, меҳроқибат туйғуларини янада оширишга хизмат қиласди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган обьектларни
қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги матбуот хизмати
бошлиғи**

**ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

СЕРЖАНТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

“ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида тактика цили томонидан «Замонавий тактик ҳаракатларда сержант (кичик командир)нинг ўрни ва роли» мавзусида республика миёсидаги илмий-услубий конференция ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги қатор олий ҳарбий таълим муассасалари вакиллари иштирок этишиди.



Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад замонавий тактик ҳаракатлarda сержантларнинг ўрни ва роли тўғрисида фикр алмашиб, кичик командирларни назарий ва амалий жиҳатдан пухта тайёрлаш, зарур кўнкимлар берниш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янги йўллар ва услубларни излашдан иборат.

Анжуманда Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази бошлиғи полковник Анвар Джаббаров, марказ бошлиғининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи полковник Акром Мусулманов, Қуролли Кучлар академияси «Тактика» кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Илхомжон Қодиров, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти «Тактика» кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Нурбахт Аҳмедов, ИИВ Қоровул қўшинлари бошқармаси офицери майор Бобир Садиков ҳамда марказнинг етакчи йўриқчилари I да-

ражали сержант Искандар Тўрабоев, II даражали сержант Яшнарбек Ашрапов ва бошқаларнинг маъruzalari тингланди.

Қўшинларда гурух командири, уларнинг ўринбосари, секция командири каби вазифаларда хизмат қилаётган, ўз қасамёдига содиқ юрт посонлари техник ва тактик жиҳатдан юкори малакага эга бўлиши, ўз бўлинмасининг жанговар имкониятларини билиши, уларни жангда усталик ва моҳирлик билан кўллаши зарурлиги қайд этилди.

Кун тартибида қўйилган барча масалалар аниқ таклиф ва қизиқарли савол-жавоблар орқали интерфаол усууда муқоммама этилди. Конференцияда фаол иштирок этган ҳарбий хизматчилар марказ бошлиғининг фаҳрий ёрлиги ва сертификатлари билан тақдирланди.

**Подполковник Ж. ЯДГАРОВ,
Кичик мутахассисларни тайёрлаш**

ФИКР

ЛАҲЗАЛАРДА ВАТАН ТАҚДИРИ

Таъбир жоиз бўлса, газетани вақт карвони дея атаган бўлардим. Ўзига хос бу карвон вақтнинг, даврнинг янгиликлари, муаммолари, руҳи ва яна бошқа жуда кўп воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беради. Тушунтиради, шарҳлайди, огоҳлантиради, ўргатади. Дастреб газеталар пайдо бўлганида, бу ўша даврда инсоннинг улуғ кашфиётларидан бири эди. Ва матбуот дунё ва жамиятлар ривожи шаклланиши, тарқиётида мухим роль ўйнади.

Ҳозирги кечакундуда ҳам интернет қанчалик ривожланган, кенг тарқалган бўлмасин, матбуот сўзининг ўз ўрни, салмоғи бор.

Мен «Vatanparvar» газетаси билан йигирма йилдан бўён ҳамкорлик қилиб келаман. Унда кўп ҳикоя, мақола, сұхбатларим чоп этилган ва чоп этилмоқда.

Газетанинг менга маъқул хислатлари жуда кўп. Уларни бирма-бир тақорлаб ўтирамай, энг мухим томонини қайд этаман, холос.

«Vatanparvar» номига хос ва мос газета, унда Ўзбекистон армиясининг, таъбир жоиз бўлса, юрак уриши яққол сезилиб туради. Яна бир жиҳати мақолалар, шарҳлар, ҳарбийчасига қисқа, лўнда, тушунарли тарзда газетхон эътиборига ҳавола этилади. Биринчи навбатда тезкорлик, аниқликка эътибор қаратилади. Чунки армияда буйруқлар қанча қисқа, аниқ, содда ва лўнда бўлса, улар шунчалар тезкорлик билан ўз вақтида бажарилади. Бу жаҳон газета журналистларининг дикқат марказида экани ҳар саҳифада билиниб туради.

Газетадаги фотосуратларга ҳам дикқатимни қаратаман. Масалан, уларнинг бирида хизмат мажбуриятларини олиб бораётган келишган ҳарбий хизматчи тибий ниқобда турарди. Суратни синчиклаб кўздан кечириш эканман, газета сурати ўзига хос алоҳида санъат эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Шулаҳза, манзарани тарихга муҳрлаган газета сурати шу кеча кундуз, давр, макон ва замон тақдирли, тарихдаги ҳарбий хизматчилар, армия билан нақадар чамбарчас боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Юрагим фахр хиссига тўлди...

Зеро, Ватан бошига тушган ҳар бир муаммо, ташвиши бартараф этишга ҳарбийлар сафарбар этиладилар. Шу боис Ватан ҳимояси ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи саналади.

**Жўра ФОЗИЛ,
«Дўстлик» ордени соҳиби,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюмаси аъзоси**

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

“ 2019 йилда Ўзбекистонда 20 га яқин халқаро мусобақалар ташкил этилди ва уларда дунёнинг 4 100 нафардан зиёд етакчи спортчилари иштирок этди. Ушбу нуфузли мусобақаларнинг бештаси жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги баҳслари бўлиб, уларни ўтказиш учун жуда катта маблағ сарфланди, ғолиб ва совриндорлар эса муносиб тақдирланди. Юртимиз спорт муҳлислари ушбу воқеиликлардан хурсанд бўлишиди, мамлакатимиз дунё спорт майдонида тобора юксалаётганидан фахр ифтихор туйғусини ҳис қилишиди.

Ўзбекистон спортчилари 2019 йилги мавсумда 175 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 175 та олтин, 156 та кумуш, 183 та бронза, жами 514 та медални қўлга киритишиди. 2018 йилги мавсумда юртимизнинг 572 нафар вакили 143 та халқаро мусобақаларда қатнашиб, 160 та олтин, 142 та кумуш, 114 та бронза, жами 416 та медалга эга чиқишиган бўлса, 2019 йилги мавсумда 943 нафар спортчи халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилди ва улар жами 514 та медаль жамғарди. Ушбу муваффақиятларга ташкил этилганидан буён миллий терма жамоаларимизнинг таянч устуни сифатида самарали фаолият юритиб келган Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК, кейинчалик *Mudofaa vazirligi sport klubı - MVSK*, эндиликда *Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази - Марказ*) вакиллари муносиб улуш кўшишиди. Қизиғи, атлетларимиз ўзлари қатнашган 175 та халқаро мусобақанинг 175 та олтин медалига сазовор бўлишиди. Мавсум давомида 32 нафар спортчимиз Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш хуқуқига эга бўлди, яъни йўлланма соҳибига айланди. Ўзбек спорти тарихида улкан муваффақиятлари билан из қолдираётган гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ўз фаолияти давомида 8-марта (!) Олимпия лицензиясига эга бўлганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чарм қўлқоп усталаримиз ҳам тарихий муваффақиятга эришиши – 7-21 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳрида ўтказилган XX жаҳон чемпионатида 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалга эгалик қилган Ўзбекистон бокс терма жамоаси ўз тарихида илк бор дунё биринчилигида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса юртимизнинг 14 нафар «бўлажак бокс юлдузи» қатнашиди ва уларнинг барчаси совриндор бўлди, янада ҳайратланарлиси, бу совринларнинг 10 таси олтин медаллар... бунақаси бокс тарихида бўлмаган!

**АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН
2019 ЙИЛГИ МАВСУМ**

Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришган муваффақиятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1993 йилда ташкил этилган ва мамлакатимиз армиясининг спорт маркази, миллий терма жамоаларимизнинг таянч устуни сифатида самарали фаолият юритиб келаётган армия спорт клуби вакилларининг улуши доим юқори бўлган ва бундан 2019 йилги спорт мавсуми ҳам мустасно эмас. Йигирмадан ортиқ спорт тури бўйича халқаро мусобақалар, қитъя ва жаҳон чемпионатлари, кубок баҳсларида иштирок этган MVSK аъзолари 99 та олтин, 82 та кумуш, 90 та бронза, жами 271 та медалга эга бўлишиди. Буни би-

**АРМИЯ СПОРТИ -
ЮРТИМИЗ ФАХРИ**

роз бошқача изоҳлаганда, 2019 йили армиямиз спортчилари дунё ареналарида юртимиз байроби 271 марта юқори кўтарилишига, 99 марта давлатимиз мадҳияси янграшига сабабчи бўлишиди ва бу орқали ёшларимизнинг миллий фуруруни юксалтиришга, ўз навбатида, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлолғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилишиди.

MVSK халқаро майдондаги муваффақиятлар сермаҳсуллиги бўйича 2018 йилги мавсумда ўзининг энг юқори кўрсаткичларини (104 та олтин, 104 та кумуш, 65 та бронза, жами 273 та медаль) намойиш этганди, 2019 йилги спорт мавсумида бу рекорд деярли тақорланди, яъни 271 та медаль. Энг яхши муваффақиятлардан бири таэквондочиларга тегишли бўлди. Таэквондо (IT) бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари 2019 йилги спорт мавсумида халқаро мусобақаларда 24 олтин, 17 кумуш ва 29 бронза, жами 70 та медалларни қўлга киритишиди. Бу муваффақиятларда MVSK аъзолари Нигора Турсунқулова (-67 кг), Улуғбек Рашитов (-55 кг), Ниёз Пўлатов (-63 кг), Жасурбек Жайсунов (-68 кг), Никита Рафалович (-80 кг) ва Дмитрий Шокиннинг (+80 кг) ҳам муносиб улуши бор. Халқаро тоифадаги спорт устаси, 2018 йилги Осиё ўйинларининг ғолиби Никита Рафалович Токиода ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланманни ҳам нақд қилиб қўйди.

Мамлакатимизнинг энг етакчи Олий маҳорат спорт мактабларидан бири ҳисобланган MVSKда 20 тадан ортиқ спорт тури бўйича 18 та йўналишдаги фаолият йўлга қўйилган. MVSK аъзолари 2019 йилги мавсумда ана шу спорт турлари бўйича халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда жами 857 та медалларга сазовор бўлишиди. Шундан 246 та олтин, 180 та кумуш, 160 та бронза, жами 586 та медалга мамлакат миқёсидаги мусобақаларда эришилди. Энг кўп совринлар енгил атлетика, эшқак эшиш, камондан отиш, шарқ яккаурашлари, мерганлик, дзюдо, бокс ва кураш спорт турлари бўйича баҳсларда қўлга киритилди. Хусусан, Жанубий Кореянинг Чонгжу шаҳрида кураш бўйича XII жаҳон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси якунда 13 та медалга эгалик қилди, MVSK аъзоларидан уч нафари эса жаҳон чемпиони бўлди. Вакилларимиз 2019 йилги VII Бутунжаҳон армия ўйинларида ҳам муносиб иштирок этишиди.

**VII БУТУНЖАҲОН
АРМИЯ ЎЙИНЛАРИ**

(Уханъ шаҳри, 2019 йил
18-27 октябрь)

Бутунжаҳон ҳарбий спорт кенгаши (*CISM*) томонидан «Спорт орқали биродарлик» шиори остида ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Бутунжаҳон армия ўйинлари мусобақасидан асосий мақсад том маънода дунёда тинчлик ўрнатишга, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган. 2019 йил ўз тарихида еттинчи марта ташкил этилган мусобақа ўтган вақт давомида ҳарбий спортчиларнинг ўзига хос Олимпиадаси даражасига кўтарилиди. Юртимиз вакиллари ушбу мусобақанинг ҳаммасида ва барча спорт турлари бўйича баҳсларида тўлиқ қатнашманган. Бир неча спорт турлари бўйича иштирок ҳам тўлиқ таркибли бўлмаган.

2019 йил Хитойнинг Уханъ шаҳрида VII Бутунжаҳон армия ўйинлари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 109 та мамлакати вакиллари қатнашиб, 27 та спорт тури бўйича ғолиблик учун баҳс олиб борди. 12 йиллик танафусдан сўнг юртимиз армия спортчилари ҳам ушбу йирик мусобақада бироз кенгроқ таркиба қатнашди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари терма жамоаси таркибини асосан Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзолари ташкил этиди. Вакилларимиз йирик мусобақанинг 5 та спорт тури – бокс, дзюдо, таэквондо, енгил атлетика ва теннис бўйича баҳсларида қатнашиб, ғолиблик учун кураш олиб боришиди. Бу спорт турлари бўйича халқаро миқёсдаги бошқа нуфузли турнирларнинг ҳам зичлигидан келиб чиқиб, делегациямизнинг Хитойга йўл олиш тартиби ва таркиби ҳам турлича бўлди. Хусусан, жаҳон чемпионатида қатнашган «юлдуз» боксчиларимизга дам берилди. Чунки уларнинг зиммасида XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олиш ва унда муносиб қатнашишдек масъулиятли вазифа турганди. Шу боис боксчиларимиз мурабабий майор Уйғун Сиддиков етакчилигига Хитойга иккинчи таркибда йўл олишиди. Дзюдо ва таэквондочиларимизда ҳам армия ўйинларида иштирок этиш борасида муаммолар бўлди. Хусусан, таэквондочиларимизни 18-20 октябрь кунлари Болгарияда ўткази-





ладиган «Токио – 2020» Олимпиадаси учун қимматли рейтинг очколарини ишлаб олиш имконияти мавжуд бўлган «София – 2019» Гран-приси кутарди, дзюдочиларимизни ҳам худди шундай аҳамиятдаги БАА пойтахти Абу-Даби шахри 24-26 октябрь кунлари мезбонлик қиласидан «Катта Дубулға» туркумига киравчи халқаро турнир ўзига чорламоқда эди. VII Бутунжаҳон армия ўйинлари эса 18-27 октябрь кунлари Хитойда ўтказилди! Ана энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг, «Токио – 2020» ёзги Олимпиадасига бориш учун рейтинг очколари жамғариш устунни ёки VII Бутунжаҳон армия ўйинларида совриндор бўлиш?!

Мураббийлар муҳлислар тарафида туриб муммонинг ечимини топиши – етакчи дзюдочи ва таэквондочиларимиз икки мусобақада ҳам иштирок этди. Фақат етакчи спортчиларимизга оғир бўлди – тезкор йўл азобларини енгиш, устига-устак рақибларини мағлуб этиш! Ҳусусан, голиб 40, 2-ўрин соҳиби 24, 3-ўринни эгаллаган спортчи 14,4 олимпия рейтинг очкоси ишлаб оладиган «София – 2019» Гран-присида юртимизнинг 6 нафар таэквондочиси иштирок этди. Юртимиз терма жамоасига жалб этилган ҳарбий таэквондочилар Болгариядаги турнирдан сўнг Хитой томон йўл олиб, Бутунжаҳон армия ўйинларида қатнашувчи 16 нафар таэквондочимиз сафига бориб қўшилишди. Ҳуллас ана шундай мураккабликлар билан юртимиз ҳарбий спортчилари Ухань шахри мезбонлик қиласидан VII Бутунжаҳон армия ўйинларининг дзюдо, бокс, таэквондо, теннис, енгил атлетика бўйича баҳсларида иштирок этди.

Хитойга бир неча номдор енгил атлетикачиларимиз борганди, лекин VII Бутунжаҳон армия ўйинлари улар учун омадсиз якунланди. Ҳусусан, Надия Дўсанова медаллар учун курашига яқин борди, бирорқ финал баҳслари унинг учун муваффақиятсиз бўлди.

ДЗЮДО

VII Бутунжаҳон армия ўйинларининг дзюдо бўйича беллашувларида дунёнинг 57 давлатидан жами 350 нафар (232 эркак, 118 аёл) ҳарбий спортчи қатнашиб, голиблик учун ўзаро кураш олиб боришиди. Ушбу баҳсларда юртимизнинг 4 нафар аёл, 8 нафар эркак, жами 12 нафар дзюдочиси қатнашди. Енгил вазн тоифаси бўйича кечган биринчи кунги баҳслар дзюдочиларимиз учун омадли бўлди. Татамига чиқсан 4 нафар вакилимизнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олди. Биз учун энг қизиги -66 кг вазн тоифаси бўйича баҳсларда рўй берди, финалда икки юртдошимиз – Артём Штурбабин ва Мухриддин Тиловов ўзаро тўқнаш келди. «Ўзбекистон дербиси»да Штурбабин голиб чиқди. -73 кг вазн тоифасида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиласидан Ҳикматуллоҳ Тўраев ҳам барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга кириди. Ёшлар ўртасида жаҳон, катталар ўртасида Осиё чемпи-

они Диёра Келдиёрова (-52 кг) эса иккинчи босқичда франциялик Маркус Табеллонга ютқазиб қўйди. Лекин дзюдочимиз ўтиш баҳсларида бразилиялик Валентим Элеудис, россиялик Дарья Бобрикова, венгриялик Катинка Жабони мағлубиятга учратди ва бронза медални қўлга кириди. Дзюдочиларимиз юкорида қайд этилган мураккабликларга қарамай, VII Бутунжаҳон армия ўйинларининг 2 тадан олтин, кумуш ва бронза, жами 6 та медалини қўлга киритиб, ишончни оқлашди. Зоро, дзюдочиларимиз IV Бутунжаҳон армия ўйинларида биттадан олтин, кумуш ва бронза, жами 3 та медалга эгалик қилишганди, демак, бу сафар аввалгисидан икки баравар юксак натижа қайд этилди.

БОКС

Боксчиларимиз 12 йил олдин Ҳиндистонда ўтказилган IV Бутунжаҳон армия ўйинларида 4 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритган ва умумжамоа ҳисобида



1-ўринни эгаллаганди. 2019 йил Хитой мезбонлик қиласидан VII Бутунжаҳон армия ўйинларига ҳарбий бокс терма жамоамиз деярли иккинчи таркиба йўл олди ва натижалар ҳам шунга яраша бўлди – мусобақанинг 2 та олтин ва 2 та кумуш медалларига эгалик қилишди. Боксчимиз Козимбек Марданов (-81 кг) ҳал қилувчи финал жангидаги Миср терма жамоаси аъзоси Ораби Абдулраҳмонни 5:0 ҳисобида мағлуб этиди. Мадияр Сайдраҳимов (-91 кг) эса финалда қозистонлик Абзал Куттибековни 1-раундда ёк нокаутга учратди. Сўнгги финал жангидаги рақибларига имкониятни бой бериб қўйган Шунқор Абдурасулов (-60 кг) ҳамда Билолбек Мирзарахимов (-69 кг) мусобақанинг кумуш медали билан кифояланишиди.

ТЕННИС

VII Бутунжаҳон армия ўйинларининг теннис бўйича баҳсларида тўрт нафар вакилимиз қатнашди – Жўрабек Каримов, Сергей Фомин, Сабина Шарипова, Ясмина Каримжонова. Улар орасида Шарипова учун баҳслар муваффақиятлироқ бўлди. Сабина яккалик баҳслари финалида хитойлик рақибаси Хинюн Ханга 1:6, 7:6, 0:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва кумуш медалга эга чиқди. Шарипова жуфтлик баҳсларида Ясмина Каримжонова билан биргаликда қатнашиб, яна совриндор бўлди. Бронза медали учун баҳсада теннисчиларимизпольшалик рақибалари – Зузанна Вилк/Марта Лесняк жуфтлигини 6:0, 6:2 ҳисобида мағлуб этишиди.

ТАЭКВОНДО

VII Бутунжаҳон армия ўйинларида Ўзбекистон таэквондо терма жамоаси тўлиқ таркибда қатнашди.

Тўрт кун давом этган баҳслар мобайнида 16 нафар таэквондочимиздан 10 нафари шоҳсупага кўтарилиди. Мусобақада аёл таэквондочиларимиз муваффақиятлироқ қатнашди – терма жамоамиз аъзолари томонидан қўлга киритилган 10 та медалнинг 6 таси уларга тегишли бўлди, эркаклар 4 та медалга эгалик қилишди. Аёллар ўртасидаги мусобақанинг ўз вазн тоифалари бўйича баҳслари якуннида вакилларимиздан Мадинабону Маннолова (-49 кг), Чарос Қаюмова (-53 кг), Светлана Осипова (+73 кг) олтин, Динораҳон Мамадибрагимова (-57 кг) ва Нигора Турсунқулова (-67 кг) кумуш, Феруза Содикова (-62 кг) бронза медални қўлга киритиди. Эркаклар ўртасидаги баҳслар якуннида ҳамюртларимиздан Улуғбек Рашитов (-58 кг) олтин, Сардор Тоиров (-68 кг) кумуш, Отабек Турғунбеков (-54 кг) ва Ниёз Пўлатов (-63 кг) бронза медалга сазовор бўлди. Энг мухими, таэквондо мусобақаларида 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, жами 10 та медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида VII Бутунжаҳон армия ўйинларида 1-ўринни эгаллади!

Дунёнинг 109 та мамлакати вакиллари иштирок этган, 27 та спорт тури бўйича голиблик учун ўзаро кураш олиб борилган мусобақанинг фақат 5 таси бўйича баҳсларида қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси VII Бутунжаҳон армия ўйинларининг 8 та олтин, 8 та кумуш, 6 та бронза, жами 22 та медалини қўлга киритиди ва умумжамоа ҳисобида 9-поғонадан жой олди. Қизиги, юртимиз ҳарбий спортчилари 12 йил олдин Ҳиндистонда ўтказилган IV Бутунжаҳон армия ўйинларида ҳам 5 та спорт тури бўйича баҳсларда қатнашиб, 5 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза, жами 14 та медални қўлга киритган ва умумжамоа ҳисобида 101 та давлат ўртасида 7-ўринни эгаллаганди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

ВОСПОМИНАНИЕ

СВЯЗЬ ВРЕМЕН: ИЗ НАСТОЯЩЕГО В ПРОШЛОЕ ВО ИМЯ БУДУЩЕГО



Торжественно прошли встречи с теми, кто знал, работал, учился у великого мастера поэзии, прозы, перевода, журналистики, народного писателя Узбекистана Аскада Мухтара, чье 100-летие широко отмечается общественностью не только Узбекистана. Научная онлайн конференция в Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, мероприятия, прошедшие в большом зале Союза писателей Узбекистана и в Национальной библиотеке Узбекистана им. А. Навои, объединили ведущих ученых, занимающихся бессмертным творчеством народного писателя, коллег, соратников, поклонников его таланта. Присутствующие на встречах услышали также отрывок из удивительно достоверного романа «Чинар» Аскада Мухтара на узбекском, русском и татарском языках.

Запоминающимся был и день вечной памяти, утро 23 декабря, поклонение литератору, на памятнике которого, что на Чигатайском мемориальном кладбище, высечена лаконичная фраза: «Аскад Мухтар. Адиб». Состоялось открытие мемориальной бронзовой доски на стене дома, где 25 лет творил литератор, поражая читателей, критиков своими произведениями, а сотни учеников продолжают дело своего учителя, тем самым не прерывается связь времен из настоящего в прошлое во имя будущего.

С Аскадом Мухтаром мне пришлось встречаться на мероприятиях Союза писателей, юбилейных торжествах по различным датам. Переbrasывались репликами на трех языках, рядом стоящие в удивлении прислушивались к нашей беседе, проникаясь его теплым тембром голоса; все были в полном восторге от его блестящим, уникальным владением узбекского языка, языка родины, народа, с кем он с детства общался, для которого писал, кому посвятил всю свою жизнь.

Часто бывая в командировках в Татарстане, посещая Национальную библиотеку Республики Татарстан, что в изумительном старинном особняке на красивейшей центральной улицы Казани, мне было интересно увидеть произведения литераторов Узбекистана в Фонде Храма книг, среди которых увидела в предельно скромно оформленную обложку книги: роман Аскада Мухтара «Чинар» в татарском переводе писателя Лирона Хамидуллина, изданного Казанским книжным издательством в 1976 г., после выхода в Узбекистане романа в 1969 г., в русском переводе в 1970 г.

Прошли годы, в преддверии 100-летнего юбилея

Аскада Мухтара, вспомнила об кандидате исторических наук Булате Хамидуллине, руководителе делегации ученых из Казани, позвонила ему. И каково было мое удивление, что его отец Лирон Хайдарович есть автор перевода романа «Чинар» с оригинала, заслуженный работник культуры Татарстана, лауреат Государственной премии имени Габдуллы Тукая, проживающий в добром здравии за тысячи километров от Ташкента, но всегда с памятью о коллеге из Узбекистана.

После недолгих переговоров по телефону с сыном, Лирон ака ответил на мои вопросы, переслав по электронной почте уникальные, богатые историческими моментами письмо – подарок для всех поклонников творчества Аскада Мухтара – послание «Мое знакомство с великим мастером» к 100-летию народного писателя Узбекистана Аскада Мухтара.

«Бывая в Каракалпакстане, а также при встречах с писателями Казахстана, Киргизстана, многократно приходилось слышать имя вашего земляка Аскада Мухтара, одного из ведущих писателей Узбекистана, всегда говорили о нем не только как об известном писателе, но и как активного пропагандиста татарской литературы. Вспоминаю узбекского ученого-филолога Шерали Турдыева, участвовавшего на мероприятиях, посвященных к 100-летию Габдуллы Тукая, который также с большой теплотой отзывался о творческой деятельности Аскада ака Мухтара, при этом напомнил, что в Узбекистане активно трудятся более десятка писателей, выходцев из Поволжья и Урала, но среди них выделялись Аскад Мухтар и Абдулла Уразаев, много внимания уделявшие изданию классической татарской литературы в Узбекистане.

– Когда и что пробудило вас обратиться именно к переводу романа «Чинар», который имеет долгую жизнь?

– В 1976 году татарский читатель увидел один из известных романов нашего соотечественника роман «Чинар», переведенный с оригинала. Из десятков произведений: повестей, романов, именно этот роман, удостоенный Государственной премии Узбекистана имени Хамзы, порекомендовал мне донести до татарского читателя супруга нашего известного писателя Габдурахмана Абсалимова, Магина апа, на младшей сестре которой Раухза ханум был женат Аскад Мухтар. Волею судьбы их семья оказалась в Средней Азии в начале 30-х годов, некоторые родственники и моей матери оказались в тех же краях. Так что, работая над переводом романа я, как бы вторично познакомился с Аскадом Мухтаром, окунулся в те незабываемые события, меня покорила идея; роман посвящен жизни и деятельности приближающегося к столетию Ачила бобо, его стойкости к жизненным невзгодам, которая в данной ситуации сравнивается со стойкостью много-векового чинара-платана, раскинувшего свои ветви на главной площади их старинного села. Мужественный человек помнил бунты соплеменников в годы невзгод или притеснений царских чиновников, дни установления новых порядков при новой власти.

– Были ли личные встречи с автором романа?

– Во время работы над переводом мы часто переписывались, вот тогда узнал подробности жизни писателя. После выхода данного романа Амирхан Еники сообщил мне, что его родители и Аскада Мухтара – выходцы из соседних сел, встречаясь в Москве и Казани, считали себя близкими друзьями – земляками.

Вот что пишет об этих годах сокурсник Аскада, доктор филологических наук, член Союза писателей СССР Рахим Мукимов, которые я узнал при одной из встреч в Москве. Когда готовились его воспоминания для издания в Татарстане их передал мне поэт Вил Ганиев: «В университете со мной вместе учились тогда Шараф Рашидов, в последствии известный автор нескольких повестей и романов, затем ставший первым лицом Узбекистана, народный писатель Аскад Мухтар, народный поэт Узбекистана Гафур Гулям».

Сын по приезду из Узбекистана тепло рассказывал о вашем городе, встречах с учеными, коллегами, представителями Татарских культурных центров. Приятно осознавать и то, что именно здесь Аскад Мухтар поднимается по трудной творческой лестнице всей своей жизни: как журналист молодежной газеты «Ёш ленинчи», республиканской газеты «Қызыл Узбекистон» (сегодня «Узбекистон овози»).

На странице именно этой газеты в октябре 1936 года был напечатан изумительный репортаж народного писателя Узбекистана, журналиста Абдулла Кадыри «Качида иккى ҳафта» («Две недели в Качи») о его пребывании в татарском ауле Арского района во время работы Курultая литераторов в г. Казань.

В 1960 г. Аскад Мухтар – главный редактор литературного журнала «Шарқ юлдузи» («Звезда Востока»), избирается одним из секретарей Союза писателей Узбекистана, позже в годы наших личных встреч он возглавляет журнал «Гулистан». И неудивительно, что к этому времени он издал поэтические сборники, куда вошли и несколько его поэм, принесшие ему особую популярность; являлся автором нескольких повестей, пяти романов и трех пьес. Интерес к произведениям будущих коллег стран мира приводит его со студенческих лет к переводам поэтических произведений классиков мировой литературы как А. Пушкин, М. Лермонтов, М. Горький, В. Маяковский, А. Блок, Т. Шевченко, К. Симонов, А. Корнейчук, других авторов, которые были изданы на страницах периодической печати и в его сборниках.

Успешными были постановки пьес «Разбойники» Ф. Шиллера (1955 г.) и «Царь Эдип» Софокла (1968 г.) в переводе Аскада Мухтара на сцене Национального узбекского драматического театра.

Хотелось бы подчеркнуть, что все созданное сыном благодатной радушной узбекской земли, патриотом родины, служивший народу, отдавав весь творческий дар, не забывая при этом о предках, которые за тысячи километров от него. Память о нем будет переходить из года в год, из века в век, как мы отмечаем первый Памятный век народного писателя Узбекистана Аскада Мухтара.

Приятно было получить ответы на вопросы, письменно общаться с татарским литератором Лироном ака Хамидуллиным, соратником по перу Аскада Мухтара, узнать о подробностях его жизненного и творческого пути, друзьях, коллегах; узнать новое о литераторе, который в памяти не только нас, узбекистанцев, но и народов стран мира, произведения величайших литераторов которых переводил Аскад Мухтар, тем самым оставив о себе память и счастье наслаждения его работами.

Слова великого Алишера Навои тому пример: «Не могут люди вечно быть живыми, но счастлив тот, чье помнить будут имя».

Флора ФАХРУТДИН

«ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ»

ҚАЛБЛАР ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Вatan ҳомоячилари кунини муносиб нишонлаш учун юртимиз бўйлаб «Ватанпарварлик ойлиги» дастури асосида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармасига қарашли «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғракларининг иккى юздан ортиқ аъзолари иштирокида Қуролли Кучлар академиясида очик эшиклар куни ташкиллаштирилди.

– Аскад Мухтар собиқ Иттифоқ тузуми ғоялари кенг тарғиб қилинаётган мураккаб бир пайтда ўзбек ҳалқининг тарихи, маънавияти ва ўша давр муаммолари ҳақида кўрқмай ёза олган кам сонли адиларимиздан бири бўлган. 1960-йилларда «Темур тузуклари»нинг «Гулистан» журналида чоп этиришини ҳақиқий қаҳрамонлик дейишимиз мумкин. Бундан ташқари, унинг шеърларида очиқасига совет тузуми ғояларига қарши чиқишларни кузатиш мумкин, – деб эслайди адилнинг шогирларидан бири бўлган Маматқул Ҳазратқулов.

Очиқ эшиклар куни давомида ўқувчилар академия тарихи музейи, ахборот-ресурс маркази, курсантлар ёткочоналари, зирхи жанговар машиналар тренажёр комплекси, спорт зали ва ўкув синкларидаги шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Ўз навбатида, ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган байрам тухфаларини намойиш этишди. Тасвирий санъат, ҳалқ ҳунармандчилиги, каштацилик, безакчилик каби болалар ижодига мансуб намуналар кўргазмаси ташкил қилинди. Тўғракларининг бадиий жамоаси аъзолари эса ийғилганлар эътиборига ранг-баранг репертуарлардан ташкил топган концерт дастурини намойиш этишди. Тадбир якунида Қуролли Кучлар академияси курсантлари ва болажонлар биргаликда эсадлик учун суратга тушдилар.



Асрор РЎЗИБОЕВ

КИТОБ – БОЙЛИК. ЛЕКИН СОТИБ ОЛИНГАНИ ЭМАС, ЎҚИЛГАНИ. Аскад Мухтар

ШОНЛИ ЎТМИШ

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ТОҒ-ОТЛИҚ ДИВИЗИЯСИ

Узоқ йиллар давомида совет хукуматини титроқса солиб келган ўзбек ўғлони генерал Миркомил Миршарапов шу йилнинг 25 декабрь санасида 120 ёшга тўлди. 1900 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрининг Бешёоч даҳаси, «Биринчи арпапоя» маҳалласида дунёга келган қаҳрамонимиз ўз ҳарбий салоҳияти билан оламшумул ишларни амалга ошириди. Бу ҳақда «Ўзбекистон армияси» журналида батафсил ўқишингиз мумкин. Биз эса қаҳрамон ҳаётининг энг ёрқин ва қийин лаҳзалари ҳақида муҳим фактларни келтириб ўтамиш.

● 1920 йил март ойида Тошкентдан Хоразмга юборилган ҳайъат таркибида Миркомил Миршарапов ҳам бор эди. У Хоразмда алоҳида ўқчи батальон ва отлиқ полк ташкил этишига киришади ва 1920 йилнинг ўзида 500 дан ортиқ маҳаллий миллат вакилларидан иборат отлиқ эскадрон тузади.

● Миркомил Миршарапов аввало, қизил аскарлар жорий этган ўлдирилган душманинг бошини кесиб келиб, унвон ва моддий қўмак олиш амалиётига мутлақ чек қўяди.

● 1922 йил 7 август куни «Маҳбус Миршарапов» номидан деб ёзилган аризасида: «...саккиз ой аввал Бик мени ноқонуний қамоқча олди. Ҳамон бунинг асл сабабини билмаятман. Терговчилар менга нима айб қўймоқчи эканини ҳам билмайтман. Мен маънан чар-



чадим. Менинг масаламни ҳал қилинглар ё мени отиб ташланглар. Айбим бўлмаса, озод қилинглар», деб яқунлади. 1922 йил 13 август куни ташриф буюрган комиссия М. Миршараповни озод этади.

● Миркомил Миршарапов 1929 йилнинг 16 июнида Самарқандда ташкил этилган алоҳида ўзбек отлиқ аскарлар полкига кўмондон этиб тайинланади. 1931 йил ноябрдан бирлашган ўзбек бригадаси кўмондони ва ҳарбий комиссари, 1932 йил 17 майдан 6-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси (1936 йилдан 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси) кўмондони ҳамда ҳарбий комиссари сифатида фаолият кўрсатади.

● М. Миршарапов дивизияси келажакда тўлалигича ўзбек миллий армиясининг ўзаги бўлиши керак эди. Унда замонавий армияга хос барча хусусиятлар шакллантирилиб, артдивизион, мото-мех дивизион, махсус ҳаво кучлари, пиёда, отлик, алоқа эскадронлари ташкил этилди.

● Дивизиянинг тантаналийи М. Миршарапов шарафига басталанган «Миршарапов дивизияси, олга бос!» сатрлари билан бошланувчи мадхия жараглар эди. «Миршарапов марши» деб номланган мадхия нафакат дивизия ҳарбийлари орасида, балки бутун ўзбек ўшларининг севимли қўшиғига айланиб кетди. Ҳатто, машҳур шоир Мақсад Шайхзода М. Миршарапов қўмондонлик қилган ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясига бағишлаб «Ўзбек дивизияси марши» номли шеър ёзади.

● 1937 йил 28 октябрь куни ўзбек генерали Миркомил Миршараповни аксилинилобий фаолияти учун қамоқча олиш тўғрисида ордер чиқарилди. Унинг уйидан хизмат вақтида олган олтин соати, Хоразм, Тоқикистон, Ўзбекистон хукуматлари томонидан берилган «Қизил байроқ» орденлари, китоблари, хўжалик буюмлари, хуллас, барча мулклари хатлаб олиб кетилди.

● Миркомил Миршарапов 1938 йил 10 октябрь куни ЎзССР ИИХК ҳузуридаги «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинди ва шу куннинг ўзидаёт отиб ташланади. Орадан 19 йил ўтиб, яъни 1957 йилда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди.

● 1960 йилда Акмал Икромовнинг ўғли Комил Икромов томонидан М. Миршарапов ва унинг ҳарбий фаолиятига бағишлиланган «Карвон ўтар, из колар» номли тарихий роман ёзилди. 1976 йил режиссёр Комил Ёрматов томонидан М. Миршараповнинг фаолияти акс этган «Олис-яқин йиллар» номли бадиий фильм яратилди.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ

ХОТИРА

● 1968 йилда Москва шаҳрида ўтказилган ҳалқаро кинофестивалда «Генерал Раҳимов» бадиий фильм Гран-при мукофотини, унда биринчи ўзбек генерали – Собир Раҳимов образини яратган Зикир (Зокир) Муҳаммаджонов энг яхши эркак роли учун бош мукофотни қўлга киритган. Генералга хос жўшқинлик, шижаот, жасурлик, бағрикенглик унинг ижросида ўз аксими тўла топа олган. Фильм дунёнинг кўплаб экранларида намойиш этилган.



ЖЎШҚИНЛИК ВА ФИКРАН ТЕРАНЛИК



70 йилдан зиёд фаолият юритган ўзбек миллий академик драма театрида юзлаб роллар ижро этган, киноларда эллиқдан ортиқ ролларда ўйнаган, «Ўзбекфильм» киностудиясида кўплаб фильмларга овоз берган, ҳаётлигига ёқтирик афсонага айланган Ўзбекистон ҳалқ артисти, Ўзбекистон қаҳрамони, «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари соҳиби Зикир Муҳаммаджонов ҳаёт бўлганида, у кишининг бир асрлик юбилейини нишонлаган бўлардик.

Дарҳақиқат, у яратган образлар кучли психологияк драматизми, романтик кўтариқилиги билан ажралиб туради. Серқирра актёр ижодий фаолияти давомида нафакат кўплаб бадиий фильмларда, балки видеофильм ва телеспектаклларда ҳам бир қанча образлар яратган: Улуғбек («Улуғбек ҳазинаси»), Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), Исомиддин ака («Ер фарзанди»), профессор Комилов («Имон») шулар жумласидан. Бир қанча чет эл фильмларида («Али бобо ва 40 қароқчи», «Севги афсонаси») ҳам суратга тушган.

Жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналарида, ўзбек адилларининг умуминсоний мавзулардаги асарларида образларни маҳорат билан ижро

этган. Масалан, Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), Абдуллатиф («Мирзо Улуғбек»), Горацио («Ҳамлет»), Кассио («Отелло»), Фурқат («Фурқат»), Едигей («Асрға татигулил кун»), Самандар («Самандар»), Синтаро («Ўғирланган умр»), Октавия Цезарь («Юлий Цезарь»), Дехқонбой («Шоҳи сўзана»), Жабборов («Парвоз»), Юсуфбек ҳожи («Ўткан кунлар»), Беруний («Абу Райхон Беруний») каби ролларда ҳалқ артистининг ўзига хос ижод нафаси овоздаги жўшқин эҳтирос, фикран теранлик ва вазминлик билан тўлдирилиб, имконият кучи намоён бўлган.

– Зикир билан институтда бир курсда ўқиганмиз, – деган эди режиссёр Тўла Ҳўжаев ўз хотираларидан. – У камтар, меҳнаткаш ва ўта интизомли эди. Спектаклларга 2-3 соат олдин келиб, роли устида ишларди. Фарзанди вафот этган куни кечқурун 800 та томошабин қаршисида «Фурқат» спектаклида бош ролни ижро этганди. Саҳнадаги хатти-ҳаракатларида оғир йўқотиш аломатлари йўқ эди, барчаси табиий чиққани бутун ижодий жамоамизни ҳайратга солганди.

Ҳа, у ҳақиқатан буюк актёр, ҳақиқий инсон эди...

Иброҳим ЮСУПОВ

ФАҚАТ МАҶАСДГИНА ҲАЁТГА МАҶНО ВА ҚОНИҚИШ ҲИССИНИ ОЛИБ КИРА ОЛАДИ. БУ НАФАҚАТ САЛОМАТЛИКНИНГ ЯХШИЛАНИШИ ВА УЗОҚ УМР КЎРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ, БАЛКИ ОФИР ДАМЛАРДА ҲАМ УМИД ТОМЧИСИ ҲАМ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.. Стив Жобс

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

ШЕРЮРАК РАЗВЕДКАЧИ

(вокеий хикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

Абдулла чирок ёнаётган пастлик томон эмаклашда давом этди. Кўп ўтмай, қандайдир уй кўзга ташланди. Оралиқ масофа юз метр чамаси бор. Уй атрофида тўрт соқчи у ёқдан бу ёқча юриб турибди. «Ха, фашистлар кўздан ийроқ уйни танлаганига кўра, бу ерда бир гап бор. Соқчиларнинг кўплигига қараганда, уй мухим аҳамиятга эга. Қурол-яроғ омбори ёки штаб бўлиши мумкин», хаёлидан ўтказди йигит.

У буталар орасига яширганча бир муддат кузатиб турди. Шу орада машина товуши эшишилди. Уйнинг нариги томонидан келган машинадан бир неча офицер тушди ва шошилиб уйга кириб кетди. Бир соатлар ўтгач, ичкаридан шошганча чиқди-ю, машинада ортига қайти. – «Демак, бу ер аниқ штаб», – қатъий холосага келди Абдулла. – «Бу ерга ўрмон ичида яширинча йўлдан келиб-кетишар экан-да. Менга айнан штаб керак эди. Мақсадимни амалга ошириш учун уй ичига киришиш шарт. Бироқ қандай қилиб?». Чора излай бошлади тадбиркор разведкачни. Шу пайт соқчилар алмаштирилди.

– Топдим... топдим, – ҳаяжон илиа пичирлади Абдулла. – Соқчилар алмашиш вақтидаги оралиқ фурсатдан фойдаланман.

У мақсадини амалга ошириш учун икки-уч кун шароитни ўрганишига тўғри келди. Соқчиларнинг ҳар бир ҳаракатини, яъни қадам ташлаши, бир-бири билан учрашиб, қайси томондан орқага бурилиши, хатти-ҳаракатларидағи барча икир-чикирларни кузатди, ўзлаштириди. Уй ичига кириш мақсадини ярим тун билан тонг саҳар ўртасида амалга оширишини режалаштириди.

Мана, белгиланган вақт етиб келди. Тун ярмида гитлерчиларнинг мундирига ўхшаш маска кийимини кийиб, ўзининг кузатув пунктида ҳозир бўлди. Уй томон аста-секин яқинлаша бошлади. Эллик метр, йигрма метр, ўн метр... Бундан ортиқ яқин бориши хавфли, яширинадиган дов-дараҳт йўқ, яйдоклик. Абдулла кузатув асносида қаттиқ ҳаяжонланарди. Юрагининг гупиллаб уриши эшишилди турарди. Ахир ҳаёт-мамот билан боғлиқ мухим режа остонасида турибди. Сафдошлари олдида бўлганда ҳам операция енгил кечарди. Ёлгиз ўзи... «Эй Худо, ўзинг мадад бер», пичирлади у ва ҳаракатини бошлашга чоғланди.

Унинг яқинида турган соқчилардан бири сафдошлари билан учрашиб қайти-да, уй муюлишига келиб чўнкайди. Абдулла соатига қаради, зарҳал миллар соат тўрт бўлганини кўрсатди. У яна йигирма минутдан кейин бошқа соқчи билан тўқнаш келади. Соқчи автоматини оёқлари орасига олди. Уйқу элтиди чоги, мудрай бошлади. Бу айни Абдулла кутган фурсат эди. У мушук сапчиб соқчи ортида пайдо бўлди ва оғзини беркитиб юрагига ханжар урди. Бир зумда жони узилган ёв аскарини зудлик билан чеккага олиб чиқди. Унинг шлемини кийиб, автоматини қўлига олди. Бошқа кийимлари ўхшаганлиги учун уни ҳеч ким соқчилардан ажратса олмасди. Ҳамон ҳаяжони босилмаган йигит чукур нағас олди, ўзини осоишта тутишга ҳаракат қилди. Йўқса, бутун режаси барбод бўлади.

Ўзини қўлга олган Абдулла иккичи соқчи билан учрашиш учун ўлган соқчидек қадам босиб вазифасига киришиди. Ҳудди у сингари учрашиди, орқага ўрилди. Зум ўтмай, чаққон бурилиб унинг ҳам юрагига ханжар санчди. Ҳудди шу зайлда учинчи ва тўртничи фирицини ҳам гумдон қилди. Абдулланинг юраги алланечук қалтиради. Ахир ҳозиргина тўрт кишини ўлдириди, тўрт кишини-я. Бу осонми? Фашист бўлса ҳам улар инсон-ку. Ҳали бирор жонзорот сўйиб кўрмаган ёш йигит учун қанчалар даҳшатли бу. Лекин гитлерчиларнинг ваҳшийликлари, топталган заминлар, хўрланган инсонлар, ҳалол бўлаётган ватандошлари олдида бу ҳеч нарса эмас.

Абдулла бироз гандираклаган кўйи уй эшиги олдига борди, тиркишидан ичкарига мўралади. Узун каридор кўзга ташланди. Каридор охиридаги эшик олдида яна бир соқчи ўтирибди. Уни йўқ қилмасдан ичкарига кириб бўлмайди. Уни йўқотиш эса ўта мушкул. Негаки, у қоровот бошлигидан бўлак ҳеч кимни ёнига йўлатмайди. Абдуллага ҳар фурсат фанимат. Ташқаридан кимdir келиб қолиши ҳеч гап эмас. Юраги безовта йигит ундан кўзини узмасди. Шу пайт соқчи автоматини ёнига кийиб, сигарета олди. У гугурт чақиб улгурмай, пайтдан фойдаланган учурк разведкачни унинг олдида ҳозир бўлди. Соқчининг автоматини олишига қилган ҳаракати бешамар кетди. Утқир ханжар тифи кекирдагини кесиб ўтди. Полга гупиллаб тушиб типирчилай бошлади. Абдулла унинг жони узилишини енгиллатди-да, ичкарига кирди.

Хона ичида унинг кўзи тушган биринчи нарса шкафдаги виски бўлди. Оғзига спиртли ичимлик олмаган йигит қалтироғини босиш учун ўша ерда турган стаканга тўлдириб кўиди-ю, ичиб юборди. Ичимликнинг ачичқ таъмидан юзлари буришиб, кўзлари кисилиб кетган йигитнинг дақиқа ўтмай, кўзлари катта-катта очилди, ҳаяжони бир оз боシリди. Стол устида сочилиб ётган қоғозларни кўрди. Ҳаммасини апил-тапил йигиб қўйнига солди, ташқарига шошилди. Шунда ён томондаги шфандер

эътиборини тортиди. «Балки бу ерда ҳам нимадир бордир», қизиқди йигит. Кутимаганда шфандер ичида эшик кўринди. Уни очганда эса, катта хонага рўбарў бўлди. Ичида стуллардан бирида генерал кийими илинганд бўлиб, ёнидаги каравотда унинг ўзи хуррак отиб ухлаб ётарди. Абдулла генералга сассиз яқинлашида-да, юрагига ханжар санчди. У бир ингради-ю, икки букилган кўйи жом қолди. Сурилиб пастга тушган ёстиги остида дала сумкаси кўринди. Уни ичидан осиб олди ва генералнинг пагон ва орденларини кўйнига солди. Соатига қаради: беш. Демак, соқчиларнинг алмашиш вақтига бир соат бор. Унгача фронт чизигидан ўтибли олиши зарур, йўқса кўлга тушиши аниқ. У шаҳд ила ташқарига отилди.

Шерюрак разведкачни ўзи белгилаган маршрут бўйлаб югура кетди. Фронт чизигига ярим километр чамаси қолганда ортидан итларнинг аккиллагани эшишилди. «Иблислар изимга тушиши, шошилиш керак, шошилиш». Абдулла бор кучини тўплаб олдинга интиларди. Фронт чизигидаги тиканли симни ортда қолдириди. Ундан беш юз метр ўтгач, орқасидан узилган ўқлар ёмғири ерга ётишига мажбур килди уни...

Старшина Абдулла Қурбонов дивизия командирига бажарган вазифаси ҳақида аҳборот берадётганди, хонага генерал кириб келди. Абдулла қаддини ростраб, унга «честь» берди. Генерал Николай Фёдорович Ватутинни бутун фронт жангчилари яхши билишарди.

– Фашист генералини йўқ қилган разведкачни шуми? – сўради генерал Абдулла га хурмат билан қарап экан.

– Бу ҳақда сиз ҳам эшийтдингизми? – Абдулла ҳаяжон ичида бехос оғзидан чиқкан сўздан қизарип кетди.

– Бу Гитлернинг қулоғига ҳам етиб борган бўлиши керак, – йигитта қараб мамнун жилмайди генерал. – Чунки ҳозир улар «Қишлоққа русларнинг катта бир гурҳи хужум қилди, генерал кучлар тенг бўлмаган жангда ҳаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб жар солишаётди. Мана, генералдан куч жихатидан ортиқ бўлган «катта гурӯҳ», – Ватутин Абдуллани бағрига босди...

Абдулла олиб келган фашист генералининг дала сумкасида душман фронтининг бутун жанговар харитаси жойлашган эди. Эртасига ёк харитада белгиланган нуқталарга хужум бошланди. Дивизия шитоб билан олдинга жадаллаб кетди. Абдулла Қурбоновнинг кўксини «Қизил Ўлдуз» ордени безади.

* * *

1943 йилнинг октябрини. Гитлерчилар Днепрнинг фарбий соҳилида, Киевда мустаҳкам ўнашиб олган. Дарёнинг шарқий томонида эса фашистларга қарши курашаётган бизнинг кўшиллар. Фашистлар тиши-тирногигача қуролланган, дарёдан ўтишнинг сира иложи йўқ. Сув сатхининг ҳар бир квадрат метрига иккитадан зенит ўқи тўғри келади. Душманни маҳф этишининг битта йўли бор, яъни душман кучлари дарё қирғоғида қандай жойлашганини аниқлашкерак. Бу ўта хавфли ва масъулиятли вазифани амалга ошириш учун беш разведкачи талабгор бўлиб чиқди. Булардан бири старшина Абдулла Қурбонов эди.

Тун ярмида йигитлар топширикни бажаришга киришиди. Беш азамат ясси балиқчи қайиғида фарбий соҳил томон йўлга тушди. Атроф зим-зиё, қайиқ бортигача сувга ботиб, олдинга интилади. Разведкачилар дарё ўтасига етиб борганди, душман ракетаси атрофни ёритиб юборди. Улар томон чувиллаб снарядлар ёғила бошлади. Душман разведкачиларни сезиб қолганди. Фашистлар тинмай ракета отар, қайиқ атрофига тушган снарядлар гумбурлаб ёриларди. Шундай ажал уруғидан бири қайиқнинг олд бурнига келиб тушди-ю, уни пайраҳадек ҳар томонга сочиб юборди. Қайиқнинг орқа томонида ўтирган Абдулла юқорига кўтарилиб, ўн метрлар чамаси олдинга учиб тушди. Яна бир неча отилган снаряддан сўнг атрофни совуқ жимлик эгаллади.

Муздек сувда йигит gox юзага чиқар, gox сув кашрига кириб кетарди. Кирза этиги, эгнидаги пулайка сузишга халақит берарди. Охири бўлмади, кийимларини ечиб, ўзини енгил хис қилгач, атрофни кузата бошлади, тирик жон кўзга ташланмади. «Демак, ёлгиз ўзим қолибман. Топширикни бажариш менинг илкимда. Бунинг учун дарёдан эсон-омон чиқиб олишим керак», кўнглидан ўтирилди.

Абдулла душманга сездириб қўймаслик учун тонг ёриша бошлаганда синчковлик билан қирғоқча чиқиб олди. Ёшлигига Чирчиқ дарёсида сузишни ўргангани унга асқотди. У ички кийимда совуқдан ва очликдан қалтиради. Шунда унча узоқ бўлмаган ерда автоматига бошини суюб, мудраб ўтирган душман аскарига кўзи тушди. «Ха, тонг саҳарги уйқу жуда ширин. Бироқ бундай фурсатда ғаффатдан бошқа нарса эмас», пичирлади йигит. Ҳар дақиқа фанимат, у чаққон ҳаракат қилиб, тош билан унинг миясига тушириди. Фашист ёнбошга ағдарилди. Абдулла зудлик билан уни ечинтириди-да, эгнига кийди. Қолган-қутган кийимларини ва босқинчини дарёга иргитиб, фашистлар химоя чизиги томон эмаклаб кетди.

Бу пайтда атроф ёришиб кетган, у ер-бу ерда фашистларнинг ўзаро фўнгир-фўнгир гаплашаётгани қулоққа чалинарди. Разведкачни ўзига қулай жой танлади. Бу ердан душманнинг истехкомлари, ўтиши нуқталари – ДОТ, ДЗОТлар, траншеялар яққол кўринид турарди. Унинг баҳтига кийимини «ҳадя қилган» гитлерчининг кўкрак чўнгагидан ён дафтарча ва ручка чиқди. Афтидан фаним аскари унга ўз «ўлжаларини», жанг хотираларини ёзиб юрган. Абдулла эса ўз ишига киришиб кетди, фақат ўзигагина тушунарли бўлган белгилар орқали тинимиз ишлади. Баъзида у турган ер яқинидан, қўл узатса етадиган жойдан фашист аскарлари ўтиб қоларди. Аммо бирортаси разведкачини пайқамасди. Демак, у яхши яширган, маскировкани аъло даражада уddaлаган.

Учинчи кун кечаси у ўзига таниш йўл билан дарё бўйига қайти. Қимматбаҳо дафтарчани яхшилаб ўради-да, бошига тангиб, кирғоқ томон суза кетди...

Абдулла штабга кириб борганида, барча командирлар шу ерда эди. У топширик бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Кўйинидан ён дафтарчани олиб, душман кучларининг қандай жойлашганини батафсил тушунтириди. Генерал Ватутин унинг қўлини маҳкам қисиб, янги ғалаба билан табриклиди.

– Александр Невский деган улуғ саркарда ўтган, эшийтганимсан? – сўради у.

– Тарихни яхши биламан, ўртоқ генерал, – қаддини ростлади Абдулла.

– Ундаи бўлса, сен Днепрдан сузиб ўтиб, ана шу саркарда қўмондонлик қилган армия аскарларига хос жасорат кўрсатдинг. Исминг бугундан бошлаб Абдулла эмас, Алексей бўлсин, – деди генерал унинг елкасидан қучиб.

– Ҳудди шундай, ўртоқ генерал, бундан сўнг исмин Алексей бўллади, – деди у.

– Сени олий мукофотга тақдим этаман. – деди Ватутин.

– Совет Иттифоқига хизмат қиласман, – қаддини адл тутди Алексей Қурбонов...

Гитлерчилар қанчалик қаршилик кўрсатмасин, енгила бошлади. Ҳимоя чизиклари жангчиларимиз томонидан бирин-кетин эгаллаборди. Душманнинг Днепрдаги мустаҳкам истехком девори дарз кетди. Лекин қаердандир отилаётган ўқ жангчиларни бирин-кетин қулатарди. Абдулла Қурбонов хизмат қилаётган взводга душман снайперини йўқ қилиш топширилди. Взвод командири бу мухим вазифани Абдулла ва унинг икки сафдошига буюрди:

– Алексей Қурбонов, бу топширикни сен уддалай оласан, бунга ишонаман. Чунки сен бехато урасан...

Абдулла икки дўсти билан пастқам жойлар орқали душман мудофаа позицияси томон йўл олди. Гоҳида хандаклар ичида юришга тўғри келди.

– У ёғи энди хавфли, – деди снайперлардан бири.

– Ҳозир текшириб кўрамиз, – Абдулла шундай деб битта каскани мильтик найзасига илиб, бироз кўтарди. Уша заҳоти бир эмас, уч ўқ каскани тешиб ўтди. – Демак, душман снайперлари

ХУҚУҚ

БИЗ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИМИЗ

Одамзот ҳозир шиддатли бир даврда яшамоқдаки, бугунги глобаллашув замонида инсониятнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мислсиз кураш бормоқда. Инсондан турли мақсадда фойдаланиш сингари мудхиш жиноятлар, турли қуролли түқнашувлар, давлат тинчлигига рахна соловчи ҳаракатлар – буларнинг барчаси вайронкорлик, бузғунчилик, умуман олганда, шафқатсизлик кўринишидир.

Ҳар йили дунё бўйича минглаб бегуноҳ инсонлар бевосита ёки билвосита турли зўравонликлар қурбонига айланмоқда. Вайронкор foяларнинг амалий кўриниши худуд ва жой танламайдиган даҳшатли жиноятлардан саналиб, уларга диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси, «оммавий маданият» ҳамда трансмиллий жиноятлар, шунингдек, халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган таҳдидлар ва информацион-психологик хурјулар ҳам мансубдир.

Хозирда юқоридаги каби вайронкор foялар ва ҳаракатларга қарши кенг миқёсда кураш олиб борилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда талаб даражасидаги амалий тизим ва қонунчилик базаси яратилган.

Бу борадаги фоалият, албатта, юртимиизда тинчлиги ва халқимиз осойишталигини барқарор сақлашга хизмат қиласди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳар бир ҳарбий қисмни ҳуқуқбузарликлардан холи тузилемага айлантириш борасида Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам жорий йилнинг ўтган даврида ҳарбий округ, ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонниклари билан ҳамкорликда тарғибот-тушунтириш ва профилактик тадбирлар үтказилди.

Бу борадаги фоалият, албатта, юртимиизда тинчлиги ва халқимиз осойишталигини барқарор сақлашга хизмат қиласди.

**Адлия катта лейтенанти
Шерзод УНГАРОВ,
Навоий ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси**

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратуруаси маҳкамаси таркибий тармоқлари бошлиқлари томонидан бевосита жойларга чиқиш йўли билан худудий ҳарбий прокуратуруларга амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

ФАОЛИЯТ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ортда қолган ҳафтада саккизта вилоятдаги қўйи турувчи ҳарбий прокуратуруларга борилиб, тегишли йўналишлар бўйича уларнинг фоалияти ўрганилди.

Ташрифлар давомида жойлардаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳар бир ҳарбий қисмни ҳуқуқбузарликдан холи тузилемага айлантириш, шунингдек, янги қонунлар, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмун-моҳияти юзасидан барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар иштирокида ўнга яқин тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳарбий қисм ва муассасаларда хизматни ўташ учун яратилган шароитлар, жорий қилинган қулагайликлар ахволи бевосита ўрганилди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган ФВВга қарашли

Ихтисослаштирилган табиатни тиклаш ва Муҳандислик қурилиш батальонларида муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишилди.

Бунда ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат маҳсулотлари, ётоқ жойлари, кийим-бosh ва бошқа барча таъминот турлари билан қай даражада таъминлангани, уларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати ҳамда ҳарбийларнинг фоалиятига доир бошқа масалалар ўрганилиб, юқори турувчи қўмандонлик вакиллари билан ҳамкорликда фоалиятни янада таклиф ва тавсиялар берилди.

**Адлия майори
Жавҳар СОБИРОВ,
Республика Ҳарбий
прокуратуруаси бўлим
бошлиғи ўринбосари**


МУЛОҲАЗА

ХУЛИГАНИСТОН ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Фейсбуқ, инстаграм, твиттер, телеграм, тик-ток ва бошқа ижтимоий тармоқлардан ахборот олишга айниқса, биз, ёшлар кўнишиб қолдик. Қадрдонларимиз билан виртуал мулокот қиласми, фикрни чархлаймиз ва энг ёмони, одоб чегарасини кесиб ўтамиш. Айнан шу муаммога эътиборингизни қаратмоқчиман.

Хулиганистон ҳақида эшитганмисиз? Хулиганистон – айрим тенгқурларимизнинг ижтимоий тармоқларда профилига ёзиб олган, уларга чексиз ғурур бағишлидиган жумла. Ўзбекчада «безорилар» деган маънени беради. Хулиганистондан фахрланаётган ўсмирга мабодо ижтимоий тармоқда бу сўзниг тилимиздаги маъносини айтсангиз борми, сизни муштлашувга таклиф қилишгача бориши мумкин. Буни қандай тушунмоқ керак? Улар бу сўзниг аслида салбий маъно касб этишини англашмайди ёки ҳақиқатдан ҳам ахлоқи бузуқ.

Профилига «хулиганка», «бандит», «бандитка», «шайтонский» (наҳотки шу номни ўзига лойик кўрмоқлик шараф бўлса), «наркоман» ва ҳоказоларни қўйиб олаётганлар кимлар ўзи?



На тилига, на маънавий-ахлоқий қадриятларига хурмати бор, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган бебошларми?! Саводсизлик, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик бекатига хуш келибсиз, дейишдан бошқа гап тополмадим.

Китобхонликка ихтисослашган сайтлар ёки ижтимоий тармоқлардан кўра олди-қочди гаплар, бўлмағур видео мазахлар, ёшлар онгини манипуляция қиласидан каналларнинг обуначилари, афсуски, 10, 20 баробар кўп. Очиги, бир ўспирин профилига «Барчасидан чарчадим» деб ёзиб қўйганидан қўрқиб кетдим. Залолат

ботқоғига ботиб бораётганларга бефарқ қараб туриш мумкинми?

Муаммонинг ечимини ўзимча виртуал мулокот маданиятини тўғри шакллантира олишда кўргандай бўламан. Акс ҳолда, бизнинг авлод манқуртлик, худбинлик атмосферасидан нафас олаверади.

**Сардор САҶДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
ҳарбий журналистика йўналиши
2-босқич талабаси**

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

МИЛЛИЙ КОМПАНИЯ МАҲСУЛОТИ

Хитойнинг WZ-551 русумли пиёдалар жанговар машинаси (бошқача номланиши «Тип 92», гидирлаклар формуласи б 6) «Норинко» миллий компанияси мутахассислари томонидан яратилган. Икки ўринли бошқарув бўлими машинанинг олд қисмida жойлашган ҳамда мотор-трансмиссия бўлимидан парлевор билан ажратилган. Командир ва механик-ҳайдовчининг ўринидиги тепасидаги люкларга перископик кузатув асбоби ўрнатилган. Машинанинг олд қисмida ўқ ўтказмайдиган ойналар билан жиҳозланган иккита дарча мавжуд бўлиб, улар зирхли қопқоқлар билан химояланган. Мотор-трансмиссия бўлими корпуснинг ўрта қисмiga жойлаштирилган,двигатель эса бўйлама ўқнинг чап томонига сурилган. Ўнг томонда кабина ва бошқарув бўлимини бирлаштирувчи тор туйнук бор. WZ-551га Германияда ишлаб чиқарилган ва куввати 320 от кучига тенг бўлган BF8L413FC типидаги дизель двигатели ҳамда механик узатмалар қутиси ўрнатилган. Машинанинг орқа томонидаги десант бўлмасига барча зарурий нарсалар билан тўлиқ таъминланган 9 нафар пиёда аскар жойлашиши мумкин. Улар ўз ўринларини орқа томондаги эшик ва корпус томонидаги люклар орқали эгаллашлари ва тарк этишлари мумкин. Қуроллар таркибига 25 мм.ли автоматик тўп ва у билан жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли пулемёт киради. Тўпнинг чап ва ўнг томонига тутун тарқатувчи гранаталарни ишга туширувчи тўрут стволлари қурилмалар ўрнатилган. Машина экипажни кимёвий ва биологик қуроллардан химоялаш учун фильтровентиляция қурилмаси, шунингдек, автоматик ўтириш тизими билан жиҳозланган. WZ-551нинг жанговар оғирлиги 15,3 тонна (бўш ҳолатда 13,1 тонна), узунлиги 6,6 метр, эни 2,8 метр, баландлиги 2,1 метр, шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 90 км (сузиш вақтида - соатига 8,5 км).



УНИВЕРСАЛЬНЫЙ КОРАБЛЬ СНАБЖЕНИЯ

Итальянское судостроительное объединение «Финкантьери» планирует построить для Военно-морских сил Франции четыре универсальных транспорта снабжения (УТРС) типа «Вулкано». В составе французского флота они заменят судна типа «Дюранс» постройки 1980-годов. Новый корабль будет иметь полное водоизмещение 31 000 тонн, длину 194 метра и ширину 27,4 метра. Двухвальная дизель-электрическая главная энергетическая установка суммарной мощностью 25 МВт обеспечит скорость полного хода 20 узлов. Автономность 60 суток. Экипаж судна 130 человек с возможностью размещения ещё 60 человек.

Основу вооружения корабля составляют две 40-мм артиллерийские установки «Бофорс». Предусмотрены площадка и ангар для вертолёта боевого обеспечения NH90. Транспорт снабжения будет способен принимать 13 000 м³ топлива и жидких грузов, а также 1 500 тонн сухих, включая размещаемые в контейнерах. Устанавливаются четыре станции передачи грузов на ходу. УТРС будет также оборудован ремонтными мастерскими и системой переработки отходов.



ИККИ ХИЛ ВАРИАНТДА

«Тайфун» (Typhoon) русумли тактик қиравчи самолёт «Еврофайтер» конкорциуми асосини ташкил этувчи тўрт мамлакат – Буюк Британия, Германия, Италия ва Испания мутахассислари ҳамкорлигига ишлаб чиқилган. 2002 йилдан бўён серияли равишда бир ва икки ўринли варианларда ишлаб чиқарилаётган «Тайфун» ўз қудрати ва самарадорлигини реал қуролли тўқнашувларда намоён этишга эришган. Душман радарларига халал бериш ва бу билан бошқарилувчи ракеталарнинг нишон томон йўналишини тўғрилаш имкониятини яратиш самолётнинг асосий устунликларидан бири ҳисобланади. Самолётнинг асосий тактик-техник тавсифлари қуидагича: узунлиги 15,5 м, баландлиги 5,3 м, қанот кўлами 11,1 м, максимал кўтарилиш оғирлиги 21 000 кг (юксиз – 11 150 кг), максимал парвоз тезлиги соатига 2 200 км (11 000 м баландликда), амалий кўтарилиш баландлиги 18 000 м, тактик ҳаракатланиш радиуси 1 000 км.гача. Кучланиш қурилмаси таркиби ҳар бирининг максимал тортиш кучи 103 кН бўлган иккита иккита контурли турбореактив двигатель киради. Қуроллари: ички қисмiga жойлаштирилган 27 мм.ли автоматик тўп, ташқи қисмдаги 13 та илгичда 8 тагача турли типдаги бошқарилувчи ракета, авиация бомбалари ва кассеталар (максимал жанговар юкламма оғирлиги 6 500 кг). Борт радиоэлектрон ускуналари асосини замонавий радиолокация станцияси ва оптик-электрон тизим ташкил этади. Самолёт «DASS» типидаги индивидуал ҳимоя комплекси билан жиҳозланган.



ИМЕЕТ ЗАПАСНЫЕ ПРИЦЕЛЫ

Бельгийский 9-мм пистолет-пулемет (ПП) Р-90 создан специалистами компании «ФН Херстал» по схеме «буллпап». Автоматика оружия работает за счет отдачи свободного затвора, а выстрел производится при закрытом затворе. Пистолетная рукоятка вынесена вперед, чтобы при стрельбе с бедра большая часть массы ПП приходилась на руку, обеспечивая хорошую устойчивость. При стрельбе с плеча задняя часть ствольной коробки выступает в роли приклада, а изогнутая передняя часть спусковой скобы – в роли упора для второй руки. Ствольная коробка изготовлена преимущественно из пластмасс, магазин располагается сверху, над стволовом, причем патроны в нем находятся под углом 90° к оси ствола. Специальное поворотное устройство магазина совмещает подаваемый в патронник патрон с осью ствола. Магазин полуупрозрачный, что позволяет быстро определить оставшийся боепас. Все органы управления одинаково удобны как для правшей, так и для левшей, так как рукоятка заряжания продублирована с обеих сторон, а вращающийся рычажок предохранителя/переводчика огня находится под спусковым крючком. По обе стороны от основного коллиматорного прицела расположены два открытых прицела на тот случай, если первый выйдет из строя. Основные характеристики ПП: масса пустого 2,9 кг (снаряженного 3,2 кг), эффективная дальность стрельбы 200 м, темп стрельбы 900-1000 выстр./мин. (в зависимости от массы пули), начальная скорость полета пули 715 м/с, длина общая 500 мм (ствола – 257 мм), емкость коробчатого магазина 50 патронов.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

МАЛАВИ – «ЙИЛ ДАВЛАТИ»

«The Economist» нашри 2020 йилда энг катта ўсишга эришган давлат сифатида Африка жанубидаги Малавини «Йил давлати», дея эътироф этди. Эслатиб ўтамиз, Малавида 2019 йилда президентликка сайловда Питер Мутарика ютиб чиқди. Бирок сайлов натижалари сохталаштирилган эди. Сайловчиликар эса «штрих билан ўзлаштирилган» ғалабага қарши намойишга чиқди. Суд сайлов натижаларини бекор қилди. Шу йил июнь ойида ўтган сайловда оппозицион партиядан номзод Лазарус Чаквера президентликка сайланди.

2019 йилда Ўзбекистон «Йил давлати» деб эълон қилинган эди.

ХИТОЙДА МИЛЛИАРДЕРЛАР КЎПАЙДИ

Дунёда пандемия бошидан бери соғлиқни сақлаш соҳасида 50 нафар янги миллиардер пайдо бўлди. «Forbes» нашрийнинг мъалум қилишича, бу кишиларнинг бойлиги вакцина ишлаб чиқарувчи ва тиббий қурилмалар етказиб бериш билан шуғулланувчи компаниялар акциялари қимматлашиши эвазига ортган. Янги миллиардерларнинг аксарияти хитойлик.

Аввалоқ «Forbes» 2020 йил яқунларига кўра, 2200 дан кўпроқ миллиардер йил давомида 1,9 трлн долларга бойиганини, уларнинг умумий бойлиги 11,4 трлн долларга баҳоланаётганини маълум қилганди.


Интернет материаллари асосида тайёрланди.

2 ЙИЛДА 4 МАРТА САЙЛОВ

Истроил парламенти Кнессет 2021 йил учун давлат бюджетини тасдиқлаш муддати ўтиб кетгани сабабли автоматик тарзда тарқатиб юборилди. Мамлакат қонунчилигига кўра, энди парламентнинг янги таркиби учун сайловлар 23 марта куни ўтказилиши керак. Шу тариқа, Истроилни 2 йил ичидаги 4-муддатдан аввал парламент сайловлари кутмоқда. Бу ерда сиёсий инқироз 2019 йилдан бери давом этмоқда. Шу вақт ичидаги 3 марта сайловлар ўтказилган ва уларнинг барчасида ўнг ва сўл партиялар парламентда деярли бир хил сонда ўринлар олган. Бу эса ҳукуматни шакллантиришга тўсқинлик қилган.

БУ ҚИЗИК

“ Ўрта асрларда одамлар қандай яшаган, нималар билан шуғулланган? Биз ишимиз енгиллашган сари вақт танқислигидан, ишимиз кўплигидан ҳамда қабул қилиб олишимиз керак бўлган тугамас маълумотлар оқимидан шикоят қиласиз. Шундай экан, қадимда яшаган одамлар аҳволи билан ўзингизникини бир солишириб кўринг.

**ЗАРҲАЛЧИ**

Жарангдор номли ушбу касб эгаси аслида кўчадаги ахлатларни йиғишириб юрар эди. Унинг вазифаси кўчаларни тозалаш эди. Утмишда маданият ривожланмаган, одамлар тозаликка унча ҳам риоя қилишмас эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, зарҳалчининг иши қанчалик оғир бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Одамлар ахлатларни кўчага ташлаганлари етмагандай, уйдаги чиқиндиларни ҳам деразадан кўчага улоқтирап эдилар. Мана шундай шароитда зарҳалчилар кўчаларни санитария талабларига жавоб берадиган ҳолатда тутишлари зарур эди. Бироқ маошлари жудаям кам, арзимаган микдорда эди. Бунинг устига бундай касб эгаларини ҳеч ким менсимас, уларга паст назар билан қаралар эди.

ИНСОН-БУДИЛЬНИК

Мижозлар буюртмасига биноан маҳсус одам эрталаб келишилган вақтда уйига келиб, уйқучи одамларни уйғотиш учун эшик ёки деразани тақиллатадиган хизмат касбидир. Иккинчи ва ундан юқори қаватда яшовчиларни уйғотиш учун енгил ва узун бамбук устундан фойдаланилган. Кейинчалик бу мутахассислар ўрнини механик, сўнгра электрон сигнализациялар эгаллаган.

**САРТАРОШ**

Қадимги замон сартарошлари биз билган ҳозирги сартарошлардан анча фарқ қиласиз. Улар соч олишдан ташқари яна бошқа кўпгина юмушларни бажаришган. Ўрта асрларда Европада соchlар асосан ҳамомларда олинган, сартарошлар ҳам айнан ўша ерда ишлаганлар. Улар соч олиш билан бирга мижозни чўмилтирганлар, уларнинг оёқ-қўлларидаги тирноқларни олганлар, уқалаганлар (массаж), чиқсан бўғимларни жойига туширганлар, боғловлар қўйганлар ва ҳаттоқи оғриётган тишларни ҳам суғур-

**ХОРИЖИЙ ҲИСОБРА҆МГА ТАҚИҚ**

Қозогистон Президенти Қосим-Жўмат Тўқаев конунга давлат хизматчиларига хорижий банкларда хисобрақам сақлашни тақиқловчи тузатмаларни имзолади. Уларга кўра, Қозогистон ташкарисида жойлашган хорижий банкларда хисобрақамлар, омонатлар очиш ва уларга эгалик қиласиз, нақд пул ва моддий қимматликлар сақлаш тақиқланади.

Бу тақиқлов масъул давлат лавозимларини эгалловчи ёки давлат вазифаларини бажаришга ваколатли ҳамда мансабдор шахсларга, шунингдек, парламент депутатлари ва судяларга жорий қилинади.

АВИАБАЗА ҲУЖУМГА УЧРАДИ

АҚШ ва НАТО қўшинларининг Афғонистондаги энг иирик Баграм авиабазасига ракета зарбалари берилди. Бу хақда «Pajwok» агентлиги хабар бермоқда. «Дастлабки маълумотларга кўра, йўқотишлар ва жароҳатланганлар йўқ», дега НАТОнинг Афғонистондаги йўриқчи ва маслаҳатчилари миссияси баёнотидан иқтиbos келтирган агентлик.

Баграм тумани маъмурияти вакилининг сўзларига кўра, АҚШ авиабазасига тўртта ракета учирилган. Хабарда айтилишича, Афғонистон полицияси яна олтига снаряд келиб тушишининг олдини олган.

200 ЎРИНЛИ ШИФОХОНА

Қирғизистоннинг Боткен вилояти Қадамжай туманида Ўзбекистон кўмаки билан 200 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қуриб битказилди. Замонавий шифохона қурилиши ва жиҳозланиши тўлиқ Ўзбекистон томонидан молиялаштирилди ва қисқа муддатларда фойдаланишга топширилди. Муассаса зарур тиббий жиҳозлар ва мебеллар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, беморлар учун барча шароитлар яратилган.

200 ўринли юқумли касалликлар шифохонасининг очилиш маросимида сўзга чиқканлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ва ўзбек халқига миннатдорлик билдириши.

СОГЛОМ ТАНДА – СОГ АҚЛ

СПОРТГА ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИЙ МАҚСАД

“ Республикализ бўйлаб «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида ўтказилаётган «Ватанпарварлик ойлиги» муносабати билан пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида спорт ўйинларининг туман босқичи бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига ташкил этилган мусобақаларда ўқувчи ўшлар спортнинг мини-футбол, баскетбол ҳамда волейбол турлари бўйича беллашдилар.

– Мусобақаларни ўтказишдан кўзланган мақсад, – дейди майор Суҳроб Худойқулов, – ўсиб келаётган

ўшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган.

Турт кун давомида 400 нафарга яқин ўқувчи иштирок этган мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар муносиб рафбатлантирилди.

“ В спортивном комплексе «Саховат», расположенному в Юнусабадском районе столицы, состоялся республиканский этап турнира по уличному спорту «Street workout», организованного по инициативе Агентства молодежи, а также министерств обороны и физической культуры и спорта, в котором приняли участие победители своих регионов.

ПОБЕДИТЕЛЮ ТУРНИРА АВТОМОБИЛЬ «SPARK»



Бахром АБДУРАХМОВ

Чемпионат по этому виду спорта проводится по предложению молодежи. Также в целях развития данного вида спорта среди молодежи было принято решение о регулярном проведении турнира.

За первое место победителю соревнования торжественно вручены ключи от автомобиля «Spark», за второе место

– 50 млн сумов, а за третье – 30 млн сумов.

В ходе мероприятия состоялись выступления оркестров и артистов ансамблей Министерства обороны, Национальной гвардии, а также Пограничных войск.

ЧЕМПИОНАТ ПО ДЗЮДО

СИЛЬНАЯ МОЛОДЁЖЬ

попадает в национальную сборную

“ В спортивном комплексе Центра развития высших спортивных результатов Министерства обороны прошел чемпионат Узбекистана по дзюдо среди юношей и девушек в возрасте 14-15 лет. Турнир организован Федерацией дзюдо при поддержке министерств обороны и народного образования, а также Национального олимпийского комитета.




Как отметил главный судья турнира Бауржан Абишев, в турнире участвовали более 700 спортсменов из 14 регионов нашей страны. Победители своих весовых категорий будут приглашены в национальную сборную по дзюдо. Отсюда и цель проведения турнира – отбор талантливых спортсменов, ну и конечно же пропаганда здорового образа жизни среди молодежи.

В завершении турнира победители и призеры награждены ценностями подарками и призами, а также дипломами и сертификатами.

Автор полосы Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»



САМЫЙ ТРУДНЫЙ ПОЕДИНОК – ЭТО КОГДА ЗА СЧАСТЬЕ ПРИХОДИТСЯ БОРОТЬСЯ С ЛЕНЬЮ. Мохаммед Али



Bolajon



MUSAVVIR QORBOBO

Ertalab turib qarasam, derazaga birov gul chizibdi.

— Voy, buncha chiroyli! — dedim sevinib. — Oyijon, qarang, derazaga kimdir gul chizibdi.

— Qorbobo chizgandirlar, — dedilar oyim kulimsirab.

— Qorbobo keldilarmi? Nega meni uyg'otmadingiz?
— dedim.

— Ha, Qorbobo keldilar. Mana, senga bir talay sovg'alar tashlab ketdilar. «Baxtiyor yaxshi o'qiyaptimi, baholari qanday?» — dedilar. Kundalik daftaringni ko'rdilar, balli deb, seni maqtadilar. Faqat yozuvi uncha chiroyli emas, chizgan rasmlari ham chala, bo'yamabdi ham, dedilar.

Men darrov daftarlarimni ochib qaradim. Haqiqatan ham, yozuvarim o'zimga yoqmadi. Chizgan rasmlarimni ko'rib, o'zim uyalib ketdim.

— Oyijon, Qorbobo yana keladilarmi?

— Albatta, yana kelaman, deb ketdilar.

— Qorbobo kelgunlaricha men yozuvarimni tuzataman. Endi toza va chiroyli qilib yozaman, rasmlarni bo'yab, chiroyli qilib qo'yaman, — dedim. So'ng derazadagi rasmlarni yana diqqat bilan tomosha qildim. Ular juda chiroyli, nafis chizilgan edi.

— Oyijon, Qorbobo musavvir ekanlar-da.

— Ha, — dedilar oyim. — Qorbobo aytdilarki, Baxtiyor tabiatni ko'proq kuzatsin, yozda nega deraza muzlamay, qishda muzlashini aytib bersin, dedilar.

Men o'ylab qoldim, nega shunday bo'lar ekan?


O'XSHASHINI TOPING



Suratlardagi 10 ta farqni topping.



Labirint



«МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!»

ЁРКИН ЛАҲЗАЛАР

Харбий-ватанпарварлик йўналишида ижод қилаётган шоирлар, композитор ва ёш ижодкорларга шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигига ташкил қилинган «Мардлар қўриқлади Ватанни!» танлови кўплаб ёш истеъодлар ва мусиқий асарларнинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этди.



Саф, эстрада, лирик қўшиқлар номинацияларида жами 44 нафардан ортиқ ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида ижод қилаётган профессионал ва ёш шоирлар, бастакорлар, яккахон ва ансамбл жамоалари қўшиқ матни ва мусиқанинг бадиий савияси, мазмуни, ижрочи маҳорати, саҳна режиссураси ва бошқа йўналишлар бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Умумий натижаларга кўра, «Саф қўшиқлари» йўналиши бўйича:

1-ўрин: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. «Янги Ўзбекистонни биргалиқда қургаймиз» қўшиғи. Ижрочи сержант Зокиржон Тўйчиев. Сафдорлар: Сухроб Ҳамдамов, Шерали Бекмуралов, Фарҳод Қамбаров.

2-ўрин: Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов. «Мардлар сафидаман» қўшиғи билан.

3-ўрин: Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари. «Учувчилар» қўшиғи. Кичик сержант Ҳусниддин Ҳалимқулов ижросида.

«Эстрада қўшиқлари» йўналиши бўйича:

1-ўрин: Ўзбекистон Республикаси Давлат хав-

сизлик хизмати Чегара қўшинлари. «Граница» қўшиғи. Кичик сержантлар – Хуршид Назиров, Ҳусниддин Ҳалимқулов ижросида.

2-ўрин: Фавқулодда вазиятлар вазирлиги. «Муқаддас жон қадар» қўшиғи. Подполковник Савриддин Нажмиеv ижросида.

3-ўрин: Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хор жамоаси. «Халқ бу» қўшиғи.

«Лирик қўшиқлар» йўналиши бўйича:

1-ўрин: Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хор жамоаси. «Ватан» қўшиғи.

2-ўрин: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси. «Постда» қўшиғи. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бегзат Бегдуллаев ижросида.

3-ўрин: Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси. «Элга арнов» қўшиғи. Кичик сержант Солихўжа Жиянов ижросида.

Қўтаринки кайфият ва ёрқин лаҳзаларга бой бўлган танлов якунидаги фолиблар диплом ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

Б. ЭЛМУРОДОВ



БИР ЧИМДИМ

Ўз остонасидаги қорни курамай, қўшниси томини қор босганидан шикоят қилувчи одамлар оз эмас.

Конфуций

БИЛАСИЗМИ?

Европада шундай номдор жангчилар бор эди, уларга ҳеч ким бас кела олмасди. Ўточар қуролларнинг пайдо бўлиши билан уларнинг қадри пасайиб, бора-бора уларга эҳтиёж ҳам йўқолди. Улар кимлар эди?

Карабо: [nurlapda](#)

БИЛАСИЗМИ?

Бу ихтирочи буф билан юрадиган самолёт, занжир ғилдиракли трактор ва бошқа кўплаб кашфиётлар муаллифи ҳисобланади. Аммо у ўз номини миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган ихтиросига берган. Ба бу ихтироси учун барон титулига ҳам эришган. У қайси қуролни ихтиро қилган?

Карабо: [MakcmiuyiMemaTeti](#)

Газетанинг 2021 йил 1-сони 8 январь куни чиқади.

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор Очилов

Навбатчи:

Дилшод Рўзикулов

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева
Дилноза Мелиқзинеева

Мусаххилар:

Зебо Сариева
Мастура Қурбонова
Муаттар Мелиева

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1262.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 30 244 нусха.
Босишига топшириш вақти:
14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.